

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 169 (1495), 2025 йил 20 август, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Штаблар бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси, генерал Саҳир Шамшод Мирзо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг саломи ва энг эзгу тилаклари-ни етказди.

Покистон Бош вазирининг жорий йил февраль ойидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражаларда ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 23 фоизга, юк ташиш 50 фоизга ошди. Карачи ва Лаҳор шаҳарларида савдо уйлари очилди. Тўғридан тўғри авиақатновлар кўпайди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда, хавфсизликка замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Трансафгон темир йўлини куриш лойиҳаси бўйича имзоланган уч томонлама битимни тез фурсатда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТИББИЁТНИ АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган таклифлар тақдими билан танишди.

Бу борада давлатимиз раҳбари шу йил 7 майда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, соҳа мутахассислари, аҳоли ва хусусий сектор вакиллари иштирокида қатор таклифлар тайёрланди.

Бутун касалликларни даволашда катта юклама республика муассасаларига тушмоқда. Шу боис, вилоят ва туман миқёсида хизматларни кенгайтириб, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш чоралари кўриломоқда.

Шу мақсадда 1 минг 500 та клиник протокол халқаро талабларга мослаштирилади ва стандарт жарроҳлик амалиётлари ишлаб чиқилади. Энг кенг тарқалган касалликлар бўйича беморлар маршрутлари ишлаб чиқилади ва рақамлаштирилади.

Сўнгги йилларда инсульт ва инфарктга олиб келадиган гипертония, юрак ишемик касаллиги ва қандили диабетнинг кўпайиши кузатишмоқда. Бундай ҳолатларнинг 85 фоизи ногиронликка олиб келмоқда.

Шу боис, бирламчи бўғинда сунъий интеллектни кенг қўллаган ҳолда ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича янги протокол ва ёндашувларни жорий қилиш таклифи билдирилди. Жумладан, ЭКГ-телеметрия, телемедицина, тромболитиз терапия, стентлаш ва тромбозэкстракция йўлга қўйилди. Инсульт белгиларини эрта аниқлаш алгоритминини омдалаштириш ва аҳолига ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Неврологик касалликлар ва инсультни самарали даволаш мақсадида Миллий неврология ва нейрореабилитация тиббиёт маркази ташкил этилади. Марказ учун Тошкент шаҳрида 250 ўринли замонавий бино қурилади, унда йилга 3 мингдан ортиқ жарроҳлик амалиётини ўтказиш имконияти яратилади.

Марказ ҳамда Самарқанд ва Бухородаги тиббиёт олий ўқув юртлири клиникалари замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Япониялик ҳамкорлар кўмағида халқаро стандартлар бўйича эрта реабилитация хизмати жорий этилади. 150 нафар мутахассис хорижда малака оширади. Лойиҳа учун 150 миллион АҚШ доллари йўналтирилади. Ушбу чора-тадбирлар ногиронлик ва меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш имконини беради.

Шунингдек, амалдаги соғлиқни сақлаш тизимини ҳариталаш ва рақамлаштириш, шу асосда тиббиёт муассасаларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш таклифи билдирилди. Бу ишлар доирасида янги қурилиш стандартлари, поликлиника ва касалхоналарнинг намунавий лойиҳалари шакллантирилади, 210 та санитария нормаси қайта кўриб чиқилади.

Бутунги кунда аҳолининг лаборатория таҳлилларига ишончи бирмунча паст. Лаборатория хизматининг сустиги профилактика ва даволашни қийинлаштирмоқда. Туман даражасидаги 2800 та поликлиникага 1500 та лаборатория хизмат кўрсатишти, ускуналарнинг аксарияти эскирган, айрим таҳлиллар қўлда бажарилади.

Шу боис, 2030 йил якунига қадар 198 та марказлашган лаборатория ташкил этиш, ички

ва ташқи сифат назоратини йўлга қўйиш, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, бепул таҳлиллар сони оширилади.

Профессионал ва олий тиббий таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳамширалар академиясини Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Профессионал тиббиёт академиясига айлантириш таклифи билдирилди. Халқаро ҳамкорлар билан бирга янги дастурлар жорий қилинади, ҳамшираларни NCLEX имтиҳони асосида халқаро сертификатлаш йўлга қўйилади. Олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналишига қабул квотаси босқичма-босқич ошириб борилади.

Бундан ташқари, барча ўқув дастурлари халқаро ташкилотлар талаблари асосида аккредитациядан ўтказилади, онлайн тиббиёт бўйича интеграцияланган таълим дастури ва бир йиллик интернатура жорий этилади. "Бемор ёнида" ўқитиш усулини ошириш, билимларни баҳолашнинг икки босқичли тизимини ҳамда тиббиёт ходимларини рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Алоҳида йўналиш жамоат саломатлиги билан боғлиқ. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси фаолиятини юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасига, оналар ва болалар ўлимининг камайтиришга, жароҳатланганининг олдини олишга йўналтириш таклиф этилмоқда. Бунинг учун юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича миллий дастур ишлаб чиқилади.

Қон хизмати тақомиллаштириш масаласи ҳам долзарб. Бу борада 2026-2030 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилиниб, тиббиёт муассасаларининг қон билан таъминланганлиги 100 фоизга етказилади. Қон препаратлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қон хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, жумладан, вирусларни инактивация қилиш ва нурлантириш жорий этилади. Бу ўлим ҳолатларини камайтириш ва қонга эҳтиёжни таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимиз фармацевтика бозори бутунги кунда 2 миллиард доллардан ошган. Ислохотлар аҳолини сифатли, хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлашга қаратилган.

Бу йўналишда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезонларини инобатга олган ҳолда, дори воситаларини рўйхатдан ўтказишда тан олиш тартиби жорий этилади. Женерикларнинг биоэквивалент синоналари ўтказилади, тиббий буюмларни хавфсизлик сифатлари бўйича рўйхатдан ўтказишнинг табаклаштирилган тизими қўлла-нилади. Бу борада фаолиятни бошлаш учун хабардор қилиш тартиби жорий этилади.

Шартнома асосида ишлаб чиқариш ва технологиялар трансфери ривожлантирилади, фармазоратнинг замонавий механизмлари татбиқ қилинади.

Президентимиз билдирилган таклифларни маъқуллаб, тегишли ҳужжатларни имзолади. Белгиланган вазифалар ижросини тизимли ва сифатли таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ

ЮРТИМИЗ СПОРТИНИ
ДУНЁНИНГ ЭНГ ЮКСАК
ЧЎҚҚИСИГА ОЛИБ ЧИҚУВЧИ
ПИЛАПОЯДИР



Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги тобора яқинлашаётган ушбу кунларда Тошкент шаҳрида куриб битказилган Олимпия шаҳарчаси байрамга муносиб тўхфа бўлди.

Унинг қурилишига 2022 йил 9 ноябрда тамал тоши қўйилган эди. Қисқа муддатда 100 гектардан зиёд майдонда қад ростлаган ушбу мажмуа халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, келажак авлодларга

ғамхўрлигининг ёрқин намунаси, янги Ўзбекистон спорти юксалиши учун муштакам асосдир.

Давоми 2-бетда

ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ САЙЛОВ
ТИЗИМИДАГИ БЕҚИЁС ЎЗГАРИШЛАРДА
ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Шу кунларда юртимизда истиқлол байрамига бағишлаб ўтказилаётган барча тадбирлар мазмун-моҳиятида "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" деган эзгу ғоя ўзининг ёрқин ифодасини топаётганида эришилаётган улкан муваффақиятлардан шукроналик мужассам.

Халқимиз ўз кучи ва салоҳияти билан барпо этган мустақил давлат, эркин ва озоод жамиятини янада кучли, янада гўзал ва обод этиш давлатимиз раҳбари томонидан бош вазифа сифатида белгилангани изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг мамлакатимиз миллий сайлов тизимидagi беқиёс ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тараққиётимизнинг ўтган даври мобайнида демократик сайлов тизими ва миллий сайлов қонунчилиги босқичма-босқич шакллантирилиб, конституциявий принцип ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига мослаштирилди.

Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар самарасида

партияларнинг сиёсий майдондаги роли кучайди, сайловчиларнинг фаоллиги ошди, сайлов жараёнида иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг жамоат назорати ва мониторингини олиб бориш ваколатлари кенгайди.

Албатта, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий сайлов тизимини тубдан ислох қилиш, янада демократлаштириш, фуқароларга қулайлик ва эркинлик яратиш бўйича собитқадамлик билан олиб борилаётган изчил сиёсатнинг юксак самараларидир.

Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ВОҚЕЛИГИ: ИНСОН УЧУН БАРПО ЭТИЛГАН ТИЗИМ

Агар вақт чизигини саккиз йилда ортга сурсак, 2016 йилдаги Ўзбекистон манзараси кўз олдимизда пайдо бўлади: валюта сиёсатидаги каттик назорат, ташқи иқтисодий фаолиятдаги чекловлар, экспортдаги монополия ва инвестиция муҳитидаги турли бюрократик тўсиқлар туфайли иқтисодиёт муайян тўсиқлар ичида қолган эди. Ҳозирги манзара эса бутунлай бошқача. Рақамлар ва ҳаётдаги ўзгаришлар мамлакат тараққиётидаги кескин бурилишни яққол намоён этмоқда.

2016 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми жиҳатидан дунёдаги 195 давлат орасида 71-ўринни эгаллаган. Бу рақам, албатта, муайян барқарорликни кўрсатса-да, жаҳон бозорига интеграция ва рақобатбардошлик нуктаи назаридан унчалик катта кўрсаткич эмасди. Экстенсив ўсиш, яъни ички захиралар ҳисобига ўсиш асосий драйвер бўлиб келган.

2024 йил якунилари эса мутлақо бошқача сўзлайди. ЯИМ қиймати 114,97 миллиард долларга етди ва Ўзбекистон глобал рўйхатда 62-ўринни эгаллади. Бу бор-йўғи саккиз йилда иқтисодиёт ҳажми 71 фоизга ўсди, дегани.

Бу ўсиш шунчаки номинал кўрсаткичлар ортидаги ҳаракат эмас, балки иқтисодиётнинг ички тузилишидаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ жараёндир.

2016 йилда иқтисодиётга йўналтирилган инвестиция ҳажми 16,6 миллиард долларни ташкил этган. Уша йили 164 та йирик лойиҳа амалга оширилган. Мана шунинг ўзиёқ мамлакатда инвесторлар учун имконият чеклангани ва ресурслар



етарли даражада сафарбар этилганганини кўрсатади.

2025 йилга келиб эса вазият мутлақ ўзгарди. Фақатгина 2024 йилнинг ўзида 36 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Бу 2016 йилга нисбатан 2,2 баробар кўп. Бу маблаг ҳисобидан 70 триллион сўмлик қиймат яратадиган 560 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилди.

Инвестициялар географияси ҳам кенгайди. 2017-2024 йилларда жалб қилинган 188 миллиард долларлик инвестициянинг 87 миллиард доллари тўғридан тўғри чет эл манбалари ҳиссасига тўғри келади. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро ишонч даражаси изчил ўсганини кўрсатади.

2016 йилда 11,1 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Шу йили 877 та корхона экспорт фаолиятига янгидан жалб этилган. Бу рақамлар мамлакатимизнинг ўша вақтда ҳам экспортни кенгайтиришга урингани, бироқ экспорт салоҳияти нисбатан чекланганини кўрсатади.

2024 йилга келиб, экспортда катта силжиш кузатилди. Корхоналар сони, маҳсулот турлари

ва географияси сезиларли кенгайди. "Made in Uzbekistan" бренди қатор халқаро ярмарка ва кўргазмаларда ўз ўрнини топти. Ташқи савдо айланимаси ўтган йили 65,9 миллиард долларни ташкил қилди. Бу ўзгаришлар мамлакатнинг ички ишлаб чиқариш салоҳияти ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ошганидан далолат беради.

Солиштирма таҳлилларга кўра, 2016-2025 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан ўзгарди. Фақат иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки иқтисодиётни бошқариш механизми, давлат ва бизнес ўртасидаги муносабат, инвестиция сиёсати, ташқи савдо ва ички ишлаб чиқариш тизимлари ислох қилинди. Мамлакатимиз 2017 йилдан кейин марказлашган назоратдан бозорга асосланган бошқарилган, инсон кадрига таянадиган иқтисодиётга ўта бошлади.

Бундай ўзгаришларни рақам ва фактлар орқали баҳолаш мумкин. Лекин янада муҳимроғи, бу ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида қандай ақс этаётганидир. Халқнинг давлатга ишончи, иқтисодий жараёнлардаги иштироки, тадбиркорлик фаоллиги, кўп тармоқли иқтисодиёт сари йўналиш — буларнинг барчаси кейинги босқичдаги сифат ўсишнинг пайдоёвирдир.

Рақамлар Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини топонидан гувоҳлик бермоқда. Изчил ислохотлар, инсон қадрли, очкилик ва иқтисодий барқарорлик йўлидан энди ортга қайтмайди.

Давоми 4-5-бетларда

Изҳор

ҚАЛБИМ ҚҰРИ, ИЖОДИМ ВА ЮТУҚЛАРИМ ШУ ЭЛИМНИКИ

Давлатимиз раҳбари томонидан миллий кадриятларни асраб-авайлаш, ривожлантиришга қўшган камтарона меҳнатим юксак эътироф этилганидан, 20 август — Тадбиркорлар куни арафасида “Дўстлик” орденига сазовор бўлганимдан бениҳоя миннатдорман. Зеро, бу мамлакатимизда амалий санъатнинг ноёб турларига, сўзанадек бетакрор санъат турига бўлган алоҳида эътиборнинг амалдаги кўриниши бўлди.



Мадина КАСИМБАЕВА, каштачилик-сўзана устаси, “Дўстлик” ордени соҳиби

Ҳа, юртимизда аъёналар, кадриятлар, миллийлик ўзгача қадрланади. Айниқса, кейинги йилларда номоддий маданий меросни асрашга жиддий эътибор қаратилган. Миллийлигимизни улуғловчи қўл меҳнати маҳсулотлари юқори баҳолан-япти. Ижодий фаолиятим давомида чо-понлар коллекцияларини, аксессуарлар, интерьер буюмларини яратганим замири-да ҳам миллийликка меҳр-муҳаббат ётади. Шогирдларим билан биргаликда Тошкент каштачилик мактабининг барча кашта тур-ларини қайта тиклашга муваффақ бўлдим. Қўл ишларимиз мамлакатимиздан ташқа-ри Австралия, Буюк Британия, Герма-ния, Ҳиндистон, АҚШ, Туркия, Франция, МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатлар-даги шахсий коллекцияларда сақланипти. Каштачилик буюмларимиз маҳаллий ва чет эллик санъат ихлосмандларида кат-та қизиқиш уйғотиб, экспертлар, санъат-шунослар, коллекционерлар томонидан миллий санъат намунаси сифатида юқори баҳоланаётгани бизга ғойибона куч бера-ди. 2023 йил Британия музейи томони-дан доимий экспозиция учун 2 та ижодий ишим сотиб олинди.

Албатта, булар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Истеъдодни юзага чиқариш учун фақат меҳнат талаб қилинади.

2000 йилдан бошланган ижодий фао-лиятим давомида бир қатор миллий ва халқаро тадбирларда, кўрик-танловларда, кўргазмаларда иштирок этиб, голиблик-ка эришдим. 2015-2018 йилларда Марғи-лон шаҳрида ўтказилган “Атлас байра-ми” Халқаро аънавий тўқимачилик

фестивалида ЮНЕСКОнинг “Сифат белгиси” сертификати билан тақдирлан-дим. 2016-2019 йилларда Ҳиндистондаги халқаро фестивалда, АҚШда мунтазам ўтказиладиган халқаро ярмаркаларда ҳам қатнашдим.

Ўзимни нафақат аънавий ҳунар-манд, балки, аъналарни инновацион қўллай оладиган дизайнер сифатида намоён этишга бел боғладим. Меҳнат-ларим, тинимсиз изланишларим самара берди. 2023 йилда БМТ Бош Ассамблея-си томонидан ишлаб чиқилган мажсус резолюцияда барқарор ривожланиш мақсадини акс эттирган “Матонатнинг 17 қиёфаси” номли фотоқўргазмада тур-ли соҳаларда муваффақиятли фаолият олиб бораётган ўзбекистонлик аёллар-дан бири сифатида қатнашдим.

Женевадаги Миллатлар саройида бў-либ ўтган тадбирга маърузачи сифатида таклиф этилганим жонажон Ватанимга бўлган муҳаббатимни янада зиёда қилди. Рига шаҳрида “Фирдавмонанд боллар” номли тадбирда, Париждаги Араб дунё-си институтида маҳорат дарслари ўтдим. “Assouline Publishing” нашриётида чоп этилган Ўзбекистон амалий безак санъати ва замонавий ҳунармандларига бағишлан-ган “Ўзбекистоннинг жонли хазиналари: ҳунармандлик тантанаси” китобининг нодир муқовасини яратиш бахтига мушар-раф бўлганим эса дизайнерлик фаолия-тимдан бир лавҳа.

Ўтган йилнинг 5-9 март кунлари Ла-вия Республикаси Рига шаҳрининг “Бир-жа” музейида шахсий кўргазмам бўлиб ўтди. Бундай имкониятга етишганим учун жуда кўплаб ҳамкасбларим, ватандошлар қизгин табриқлади. Бу билан фақат ўзим-ни эмас, шогирдларимни ҳам дунё миқёси-да танитиш ниятимга эришдим. Чунончи, ёш авлодга каштадўзлик сирларини ўрга-тиш, бетакрор каштачилик мактабини яра-тиш менга ҳар куни янги куч, янги ғайрат беради. Бугун мингдан зиёд шогирдларим каштадўз ҳунармандга айланди. Аксария-ти кўрик-танловлар ғолиблари, пойтахтда ва республикамизнинг барча вилоятлари-да ижодий фаолият юритиб келмоқда. Ўй-лайманки, уларнинг қадами етган жойлар-да ҳам ўзбек каштачилигининг, сержило сўзананинг умри боққй бўлади.

ЖАРАЁН



Муносабат

ОЛИМПИЯ ШАҲАРЧАСИ

ЮРТИМИЗ СПОРТИНИ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЮКСАК ЧЎҚҚИСИГА ОЛИБ ЧИҚУВЧИ ПИЛЛАПОЯДИР



Ойбек ҚОСИМОВ, Миллий Олимпия қўмитаси бош котиби

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари шаҳарчага таширф буюриб, ҳудуддаги янги иншоотлар билан танишиш асносида юртимизда спортни янада ривожлантириш, иқтидорли спорт-чи ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қув-ватлаш, халқимизни оммавий спортга кенг жалб этиш борасида тавсиялар берди.

Янги, муҳташам спорт шаҳарчасининг қуриб битказилиши нафақат халқимиз-нинг, балки жаҳон спорт ҳамжамиятининг ҳам оламшумул ютуғи бўлди. Зеро, спорт

дунёда дўстлик, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик, тинчлик ва ривожланишни тарғиб этишда муҳим воситадир.

Бугун дунёдаги глобал ўзгаришлар туфайли турли минтақаларда рўй бераёт-ган нотинчлик, ўзаро низо ва келишмов-чиликлар кучайган бир паллада бундай катта ташаббусни рўёбга чиқариш осон иш эмас. Бу — халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган яратувчанлик, бунёдкорлик руҳининг ёрқин ифодаси. Ушбу муҳташам мажмуа янги Ўзбекистон қандай салохия-ятга эга экани, бу заминда тинчлик, фаро-вонлик, яратувчилик қанчалик қадрлани-ши, қолаверса, давлатимизнинг ўзига хос куч-қудратини намоён этади.

Биз, спортчилар катта мусобақаларда иштирок этиш учун ривожланган дав-латларга тез-тез бориб турамыз. Охириги йилларда Париж, Рио-де-Жанейро, Токио каби йирик шаҳарларда бўлдик. Уларнинг ҳар бирида катта-катта спорт иншоотлари мавжуд. Аммо мамлакатимизда қад рост-лаган Олимпия шаҳарчасининг улардан ажралиб турадиган жиҳати кўп.

Хусусан, бу ердаги 100 гектардан кўпроқ ҳудудга жуда улкан инфратузилма яратилган. Унинг 8 гектардан зиёд майдо-нида бино-иншоотлар жойлашган. Барча спорт иншооти бир-бирига яқин жойлаш-гани спорт тадбирларини ўтказишда катта қулайлик яратади. Чунки кўпичина олимпия

ўйинларида бир мусобақадан иккинчисига боришда йўлга соатлаб вақт кетадиган ҳо-латлар бўлади. Бу ерда шу жиҳатлар эъти-борга олингани аини мудида.

Президентимиз ушбу лойиҳани яра-тиш гоёси пайдо бўлган илк кунлардаёқ яна бир масалага эътибор қаратди. Бундай улкан иншоотлар фақат спорт мусобақала-ри ўтадиган жой бўлибгина қолмаслиги, мамлакатнинг спорт салоҳиятини юксал-тириш, ёшлар, спортчилар, жумладан, халқимиз спорт билан шугулланишида унинг базасидан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилди. Ушбу мажмуани лойиҳалаштириш босқичидан токи қурилишигача ана шу масалалар эътиборда бўлди.

Бу жиҳатларга алоҳида эътибор қара-тилиши бежиз эмас. Чунки катта спорт тадбирлари ўтадиган дунёнинг кўп-лаб Олимпия шаҳарчалари тадбир ўтганидан кейин консервация қилинишни кўп бор кузатганимиз. Президентимиз бу бизнинг мақсадимизга мувофиқ келмаслигини таъкидлаб, янги мажмуадан спортни рив-ожлантириш йўлида кенг фойдаланиш вазифасини олдимизга қўйди. Шу боис, малакали мутахассислар ва халқаро экс-пертлар кенг жалб этилиб, иншоотларни лойиҳалаштиришдан бошлаб, қурили-ши якунланганигача бўлган босқичда мажмуадан келажақда самарали фойдала-ниш эътиборимиз марказида бўлди.

Қолаверса, бино-иншоотларнинг хал-қаро стандартларга мослиги ҳам алоҳи-да мезон этиб белгиланди. Бунёдкорлик ишлари шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда бажарилди. Натижада янги мажмуа-да барча жиҳат, хусусан, энергияни тежаш ҳам кўзда тутилди. Шунингдек, катта спорт мусобақаларини ўтказишда қар бир жиҳат эътиборга олинди. Масалан, ёпиқ иншоотларнинг ёнида заҳира стадионлар ҳам қурилди. Бу халқаро мусобақаларни юқори савияда ўтказишда қўл келади.

Шу билан бирга, жамоавий спорт тур-лари бўйича ҳам алоҳида иншоот бор. Бу бир вақтда ҳам мусобақаларни ўтказиш,

ҳам заҳира майдонда тайёргарлик кўриш учун қулайлик яратади.

Профессионал спортда халқаро серти-фикатлардан ўтказилган сифатли спорт анжомларининг ўрни катта. Бундай воси-талар эса анча қиммат. Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари иншоотларнинг бар-часи юқори сифатли спорт анжомлари бил-лан таъминланиши керак деган вазифани қўйгани боис, мажмуа тўлиқ охириги ру-сумдаги спорт жиҳозлари билан таъмин-ланди. Бундай қулайлик ҳам ҳамма жойда бор деб бўлмайди.

Шу жиҳатдан олганда, Олимпия шаҳар-часи мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази, ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айлانувчи муҳташам мажмуа бўлди, десак асло муболага эмас.

Албатта, юртимизда шундай замона-вий шароит яратилиши бутун халқимиз қаторида биз, спортчиларга ҳам улкан фахр-ифтихор бахш этади. Шу билан бирга, энди бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, спортдаги ютуқларни янада кўпайтириш зимманимизга катта масъулият юклайди. Хусусан, энди олимпия ҳарака-тини янада ривожлантириш, келгусидаги мусобақаларда натижаларни кўпайтириш мақсад қилинган.

Президентимизнинг шу йил 8 июлдаги қарори билан Ўзбекистон спортчилари-ни 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қабул қи-линди. Бу йўналишдаги ишларни тизимли бажариш мақсадида Миллий олимпия қў-митасининг 14 та ҳудудий бўлими ташкил этилди.

Иқтидорли спортчиларни энг қўйи бўғиндан бошлаб саралаш ва професси-онал этиб тайёрлаш учун уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақаси йўлга қўйилди. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида “Президент олимпиадаси” сифатида ўтка-зилади. Ғолиб ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, про-фессинал тайёрланади.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ УЧ МУҲИМ ВОҚЕЛИК

20 август — Тадбиркорлар куни



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

шунингдек, 2028 йилга қадар иссиқхона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилади.

Иккинчи муҳим янгилик, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида 11 август куни ўтказилган йиғилишда белгилан- берилган вазифалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Қарорга қўра, якка тартибдаги тадбир-корлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йил 31 декабрга қадар мажсус ҳуқуқий режим жорий этилади. Барча асосий хизматларни бирлаштирувчи ин-теграциялашган рақамли платформалар яратилади. Фаолиятни расмийлаштириш,

банк ҳисобварақлари очиш ва бошқариш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, ҳисоб-китоблар қилиш ва фискал чекларни шакллантириш шулар жумласидан.

Ушбу тизимда электрон ҳамён очили-ши тадбиркорларга даромадларни қабул қилиш, ҳодимлар, контрагентлар ва таш-килотлар билан ҳисоб-китобни амалга ошириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов-ларни тўлаш имкониятини беради. Шу-нингдек, электрон ҳамёнга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун банк ҳисобва-рақларини очиш ихтиёрий бўлади.

2025 йил 1 ноябрдан бошлаб эса бу жа-раёнларда QR-код ва “tap to pay” техноло-гиясидан фойдаланилади. Хужжатларни

масофавий биометрия ва “SMS хабарно-ма” орқали электрон калитсиз имзолаш мумкин бўлади. Бу маълумотлар қоғоз нусхадаги хужжатлар билан тенглашти-рилади. “Кунлик тўлов” тартиби тажри-ба тарихасида жорий этилиб, ҳодимларга тўловларни электрон ҳамён орқали тўлаш имконияти яратилади. Электрон тўловлар-ни қабул қилувчи мажсус QR-код мавжуд бўлиши чакана савдо қондаларининг маж-бурий талаби этиб белгиланади. Рақамли платформадagi пул айланмалари тўғриси-даги маълумот кредит ажратишда инobat-га олинади.

2026 йил 1 январдан бошлаб йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз микдо-рида белгиланади.

Учинчи янгилик, тўқимачилик соҳа-сида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратилди. Ху-сусан, 2022-2023 йиллар ҳосили учун кре-дитдан қарздорлиги гаров қўйиш шарти билан беш йилгача узайтирилган кластер-лар жорий йил 1 августдан гарови тайин бўлса, фақат асосий қарзни тўлаши, қиш-лоқ хўжалиги жамғармаси ва банкларга ҳисобланадиган фойзалар эса асосий қарз тўлиқ қопланганидан кейин ундирилиши белгиланди. Кластерларнинг банк олди-даги мажбуриятлари ўз вақтида тўланган ҳолларда, фойзининг жамғармага тегишли қисмининг ярми тадбиркор ихтиёрига қай-тариллиши кўрсатиб ўтилди.

Кластер корхоналарига 2022-2023 йил-лар ҳосили учун берилган кредит бўйича 1 август ҳолатига юзгага келган 377 миллиард сўмлик пендан воз кечилади. Тижорат

кредитдан мажбурияти бўлган 144 та кор-хонани молиявий соғломлаштириш юзаси-дан тегишли топшириқлар берилди.

2025 йилги пахта ҳосилини ўз вақтида териб олиш учун фермерларга тоннасига 1 миллион сўмдан субсидия ажратилиши, агарда корхоналар ўз маблагга ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилиши қайд этилди. Тўқимачилик занжиридаги барча корхоналарга ижтимоий солиқ став-каси 1 фоиз этиб белгиланиши, ижтимоий реестр бўйича талаб бекор қилиниши, умумий фаолиятда тўқимачилик улушига талаб эса 90 фоиздан 70 фоизга туширили-ши кўрсатиб ўтилди.

Ўз ҳодимлари фарзандлари учун бо-гача ташкил қилган корхоналар худди хусу-сийлардаги каби ҳар бир тарбияланувчи бўйича субсидия ажратилишининг жорий этилиши юзасидан мутасаддиларга кўрсат-ма берилди. Ип-калага таннархига электр энергияси қиймати ҳам таъсир қилиши инobatта олиниб, корхоналарга ўз эҳти-ёжи учун ўрнатилган қуёш панелларини тармоққа улашга рухсат берилди. Мажсу-лот таркибининг 90 фоизи пахталиги боис, тайёрланаётган ип-калага ва матонинг нар-хи рақобатчиларга нисбатан ўртача 10-15 фоиз юқори. Шу боис, ишлаб чиқарувчилар сунъий тола ва аралаш мато олиб киришда 2028 йил 1 январгача божхона божидан озод этилиши айtilди. Бир нечта бўёқ кор-хоналари берилашиб қурадиган сўз твозалаш иншооти харажатиининг бир қисми Савдои ривожлантириш компанияси томонидан қоплаб берилиши қайд этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларини давлат то-монидан қўллаб-қувватлаш, уларга кенг ва қўлай имкониятлар яратиш, биринчи нав-батда, аҳоли моддий талабини қондириш, бандлигини таъминлаш орқали фаровон-лигини юксалтириш, қолаверса, жаҳон бо-зорида Ўзбекистон брендини шаклланти-риш ва ривожлантиришга хизмат қилади.



Қобил ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аини йўналишда соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида олиб борилган тизимли ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизнинг етакчи кучига айланиб улгурди.

Кейинги беш йилда бу соҳа иш ўрни, инвестиция, инновация, рақобат, қўшил-ган қиймат ва экспортни кўпайтиришга энг катта туртки бераётган йўналишга ай-ланди. Кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайган. Банд аҳолининг қарийб 11 миллиони, яъни 74 фоизи айнан шу соҳада даромад топомоқда. Ялпи ички маҳ-сулот ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бир қисми шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу рақамлар кундан кун ўсиб, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги учун кичик ва ўрта бизнеснинг қанчалик муҳимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Соҳани замон талабларига мос ри-вожлантириш давлат сиёсатининг усту-вор йўналишларидан бири ҳисобланади.

“**Фуқароларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайловлари жараёнига қизиқишининг сезиларли даражада ошгани барча босқичлари очиклик, ошкоралик ва шаффофлик асосида ўтказилган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг натижаларида яққол кўринди: сайловда жами 15 миллион 27 минг 529 нафар сайловчи овоз берди. Бу сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизи демакдир.**



Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Дунё тарихига назар ташланса, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш, миллий сайлов тизimini шакллантириш, бинобарин, демократия сари дастлабки қадамларни қўйиш жараёни ҳеч бир мамлакатда осон кечмагани аён бўлади. Бундай шарафли йўлни мамлакатдаги тинчлик, тоʻтувлик ва сиёсий барқарорликда босиб ўтиш камдан-кам давлатга насиб этган.

Миллий давлатчилик тарихи неча минг йилларга бориб тақалуви Ўзбекистон — ана шундай кам сонли мамлакатлардан бири. Мустақиллик йилларида юртимиз миллий сайлов тизими улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди ва давлат ҳокимиятининг муҳим институтларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг эркин ва рақобатли сайловларни ўтказиш бўйича ўз зиммасига олган барча халқаро мажбуриятларга қатъий амал қилиб келаётгани мамлакатимизда сайлов кампаниялари миллий қонунчилик ва демократик сайловларнинг умумэтироф этилган тамойилларига мувофиқ ўтказилганда ўз инъикосини топмоқда.

Бунда, энг аввало, давлатимиз раҳбарининг халқ меҳрини қозонган қатъий сиёсий иродаси, юртимиздаги сиёсий тизимнинг етуқлиги, демократия, маданият ва инсон ҳуқуқларининг юксак мезонлари муҳим омил бўлаётир.

Муваффақиятли ўтказилган ҳар бир сайлов ва референдум, шубҳасиз, умуммиллий ғалаба, нафақат Ватанимизда, балки Марказий Осиё минтақаси ва жаҳонда ҳавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Инсон ҳуқуқлари, жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини кенг таъминлаш борасидаги миллий юксалиш замирида янги Ўзбекистонда умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш тамойилларига қатъий амал қилиниб, умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларининг миллий сайлов қонунчилигига иччил сингдирилиши билан бонглик кўламли ислохотлар ва шарафли меҳнат мумассас. Янги тахрирдаги Конституциямиз ва миллий қонунчилигимизда сайлов органларини шакллантиришга оид қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани бу жараёнда улкан аҳамият касб этмоқда.

Самаралари юксак давр

Таъкидлаш жоизки, ҳалқимиз давлат мустақиллигига эришгунча Ўзбекистонда доимий фаолият юритувчи мустақил сайлов органи бўлмаган. Муайян сайлов кампанияси даврида миллий парламент ҳузурида муваққат иш олиб боруви сайлов кўмитаси ёки сайлов комиссияси тузилган ва сайлов якунланиши билан ўз фаолиятини тўхтатган. 1998 йил 30 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши миллий сайлов тизимининг мустаҳкамланишида да муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши йўлга қўйилди. 2014 йилдан Конституциявий орган мақоми берилган ва фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат Марказий сайлов комиссияси



ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ БЕҚИЁС ЎЗГАРИШЛАРДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА

мамлакатимизда Президент сайлови, парламент ва маҳаллий кенгашлар сайлови ҳамда референдумларни ўтказувчи барча сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди.

2019 йили Президентимиз ташаббуси билан халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Сайлов кодекси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ватанимизда сайловлар соҳасидаги ислохотларнинг янги ва янада юксак самарали даврини бошлаб берган ушбу Кодексда сайлов қонунчилигига оид ҳужжатлар кодификация қилиниб, халқаро тажриба ва амалиёт афзалликлари чуқур таҳлил этилгани ҳолда, бир-бирини тақрорловчи қонун нормаларига барҳам берилди.

Мазкур Кодекс яратилишидан асосий мақсад фуқароларнинг сайлов қонунчилигига доир конституциявий ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш, ўтказиладиган сайлов жараёнларининг халқаро сайлов стандартлари қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг давлат ва жамият босқичларидаги бевосита иштирок этиш ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий саҳнасидаги соғлом рақобатини таъминлашдан иборат.

Сайловчилар ва сайланувчилар учун кенг имконият ва қулайликлар яратган ушбу Кодекс юртимизда сайловларнинг ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик тартиб-тамоийлар асосида ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, айниқса, янги Ўзбекистонда улкан муваффақият билан ўтказилган миллий парламент ва маҳаллий кенгашларга (2019 ва 2024 йиллар) ва Президент (2021 йил) сайловлари, Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳамда муддатидан илгари Президент



жўн ва осон ишдек туюлади. Лекин неча ўн йиллардан буён амал қилиб келаётган бу муддатни ўзгартришдек хайрли иш янги Ўзбекистон шарафига амалга оширилганда буюк бир ҳикмат — халқ фикри ва инсон қадрига юксак ҳурмат-эҳтиром мужассам.

2023 йилда мамлакатимиз тарихида илк бор умумхалқ референдумида қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса янги Ўзбекистон ҳаёти барча соҳаларининг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Янгиланган Конституциямизда демократик сайлов тамойили қатъий мустаҳкамланди, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланди. Бош қонунимизнинг кўплаб бошқа мамлакатлар конституцияларидан фарқли асосий жиҳатларидан бири — унинг алоҳида XXII боби айнан сайлов тизими, фуқароларнинг сайловга оид асосий ҳуқуқлари кафолатига бағишланганда.

Хусусан, 128-моддада ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хошина-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши, ўн саккиз ёшга тулган фуқаро сайлаш ҳуқуқига эгалиги, сайловлар умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгиланди. Суд томонидан мумолага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суд қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги кўрсатилди.

Замонавий конституциявий нормалар ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида миллий сайлов қонунчилиги тубдан такомиллаштирилди. Янги Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимида амалга оширилган улкан ўзгаришлар 2024 йил 27 октябрь кунли бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Таъкидлаш ўринлики, беш йил аввал — 2019 йил 22 декабрь кунли бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлардан бери мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётида улкан ўзгаришлар юз берди.

Ушбу жараёнда 2023 йил 18 декабрь кунли кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрым қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун билан Сайлов кодексига ҳамда бошқа яна еттига қонунга ўзгартриш ва қўшимчалар киритилгани парламентни шакллантиришнинг янги замонавий тизимини йўлга қўйишда муҳим омил бўлди.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 6 март кунли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашувда

мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партиялар ролини ошириш учун аралаш сайлов тизимига ўтишга доир таклифи муҳим аҳамият касб этди.

Аралаш сайлов тизими ўзида моҳиятан иккита — пропорционал ва мажоритар сайлов тизимини уйғунлаштирган. Бу тизимда вакиллик органидаги мандатлар, яъни депутатлик ўринларининг бир қисми депутатлик мандатларига таъин қилинган бўлиб, қолган қисми мандатларга мутаносиб равишда, иккинчи қисми эса бевосита сиёсий партия томонидан бир мандатли сайлов округларидан кўрсатилган депутатликка номзодларга берилган овозлар натижасига кўра тақсимланди.

Шундай қилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринининг 50 фоизи — 75 нафари илк бор бир мандатли сайлов округларидан мажоритар сайлов тизими бўйича, қолган 75 нафари эса партия бўйича пропорционал сайлов тизими орқали сайланди.

Маълумки, илгари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови фақат мажоритар сайлов тизими асосида ўтказилган. 150 нафар депутатнинг барчаси бир мандатли сайлов округлари бўйича, бевосита депутатликка номзодларга берилган овозлар натижасига кўра сайланган.

Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар учун қамда 40 фоизлик квота белгилангани янги Ўзбекистонда инсон қадрини янада юксалтириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини хотин-қизлар ташкил этди ва бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич бўлди.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайлови натижаларини белгиллаш тартиби такомиллаштирилиши бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланиши жорий этилди. Бошқача айтганда, бу рағли сайловда илгари бўлгани каби мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги фуқаролари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловда илк бор пропорционал тизим бўйича овоз беришида иштирок этди. Бу чет давлатларда бўлиб турган фуқароларимизнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг берган овозини ўзларига алоқаси бўлмаган бошқа сайлов округи ҳисобига ўтказиш амалиётига барҳам берди.

Сайлов кодексига маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказиш учун сайлов округлари тегишли депутатлик ўринларига тенг миқдорда тузилиши, депутатлик ўринлари сони эса аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгиллаб қўйилгани ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Сайловларни профессионал, очик ва демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақоми мустаҳкамланди. Марказий сайлов комиссияси — ҳудудий сайлов комиссияси

— туман ва шаҳар сайлов комиссияси — округ сайлов комиссияси — участка сайлов комиссиясидан иборат сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилгани сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сифат жиҳатдан яхшилашга хизмат қилди.

Округ сайлов комиссиясининг сайлов участкалари ва участка комиссияларини тузиш, тегишли ҳудудда депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ваколатлари ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Фуқароларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайловлари жараёнига қизиқишининг сезиларли даражада ошгани барча босқичлари очиклик, ошкоралик ва шаффофлик асосида ўтказилган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг натижаларида яққол кўринди: сайловда жами 15 миллион 27 минг 529 нафар сайловчи овоз берди. Бу сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизи демакдир.

Қарор ва ижро

Миллий сайлов тизимига рақамли технологияларнинг фаол ва кенг жорий этилаётгани сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнларида очиклик ва ошкораликни таъминлашда янгида янги имкониятлар яратмоқда.

Мазкур тизимга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан асос солинганлини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Йилдан йилга такомиллашиб бораётган ушбу тизим сайлов жараёнига “Бир сайловчи — бир овоз” тамойилини жорий этишдаги қулайлиги, аниқлиги, қамровининг кенглиги ва замонавийлиги билан нафақат сайловчилар, балки сайлов ташкилотчилари ва сайловни кузатувчиларнинг ҳам кенг эътирофига сазовор бўлди.

2024 йил 27 октябрь кунли миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда “E-saylov” ахборот тизимининг ишга туширилиши бундай эътирофларнинг амалдаги яна бир тасдиғи бўлди. Ушбу замонавий тизим ёрдамида сайлов жараёнининг кўплаб тартиб-таомиллари рақамлаштирилиб, бюрократик тўсиқлар кескин қайтарилиди ва шаффофлиги оширилди. Тизим бошқа электрон платформалар билан интеграция қилингани сайлов жараёнининг автоматлаштирилиши ва сайловларга оид маълумотларни реал вақт режимида олиш, алмашиш имконини берди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта бешта сиёсий партия томонидан барча давлатдаги депутатлик ўринларига юз фоиз номзодлар кўрсатилди. Бунда “E-saylov” интерактив порталининг ишга туширилгани муҳим аҳамият касб этди. Бу тизим орқали сиёсий партиялар номзодларнинг қонунчилик талабларига мослиги ҳолати бўйича сайлов комиссиялари билан тезкор ишлаш имкониятига эга бўлди.

Янги ахборот тизимида фуқаролар учун ҳам сайловга оид ахборотларни олишда кўплаб қулайликлар яратилди. Хусусан, мазкур

тизим сайловчилар ва сайлов участкаларига оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодлар ҳақида ахборотга эга бўлиш, интерактив хариталарда депутатликка номзодлар ва уларнинг таржimai ҳоли билан танишиш имконини берди.

Тошкент шаҳридаги ўнган сайлов участкасида сайлов кунли электрон овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишнинг тажриба-синов тариқасида жорий этилиши ҳам муҳим янгиланган. Электрон овоз бериш тартиби синаб кўрилган сайлов участкаларида сайловчилар овоз беришнинг анъанавий ёки электрон шаклини мустақил танлаш ҳуқуқидан фойдаланди.

Бой тажриба

Истиқлол йилларида Ўзбекистон миллий сайлов тизимида эришилган энг муҳим муваффақиятлардан яна бири сайлов ташкилотчиларини тизими ва босқичма-босқич ўқитиш борасида тўпланган бой тажрибанинг халқаро миқёсда эътироф этилиши билан боғлиқ.

Ўқитишнинг юқоридан қуйига қараб кенгайиб, такомиллашиб борадиган кўп босқичли бу усули ўзининг юксак самараларини бермоқдаки, сабаби машғулотларни мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги бўйича таниқли олимлари, эксперт ва амалиётчилари, жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг етакчи мутахассислари олиб боради.

Ўқув машғулотлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган малака ошириш концепциясини амалиётга жорий этиш, ўқув-усулбий материалларни ишлаб чиқиш, тренеерлар жамоасини шакллантириш, “Saylov” мобил иловаси ва онлайн таълим платформаси каби рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, шунингдек, ўқув жараёнини мониторинг қилишга доир масалаларни қамраб олган. Жумладан, сайловдан сайловгача бўлган даврда аниқланган муаммо ва камчиликлар таҳлили асосида турли соҳалардаги мутахассис ва экспертлар жалб этилган ҳолда ташкил этиладиган ўқув машғулотлари бунда муҳим аҳамият касб этади.

Сайлов комиссиялари тизимини такомиллаштириш ва комиссия аъзолари сонининг мақбуллаштирилиши натижасида сайлов ташкилотчиларини ўқитиш ва тайёрлашга сарф бўладиган меҳнат ҳажми ва маблағи тежашга эришилди. Жумладан, 2019 йилги сайловларда 180 минг нафарга яқин киши ўқитилган бўлса, 2024 йилда бу рақам 128 минг 701 нафарни ташкил этди.

2024 йили ўтган сайлов кампаниясининг кўплаб ибратли жиҳатларидан яна бири сайлов ташкилотчилари билан сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий натижалари, Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган, сайловдаги ташвиқотини ўтказишга оид одоб-ахлоқ қоидаларининг имзоланиши хорижда ҳам қатъи қизиқиш уйғотди.

Имконияти чекланган фуқароларнинг овоз бериш жараёнидаги фаолиятини ошириш учун барча зарур чоралар қўрилиши ҳам мустақиллик даврида қатъий йўлга қўйилган муҳим янгиланган.

Ибратли амалиёт

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда сайловларни очик ва ошқора кузатиш, жумладан, халқаро кузатувчилар фаолиятини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида ҳам бундай имконият — кўп босқичли назорат ва кузатув тизими ҳамда амалиётга гувоҳ бўлавермайсиз.

Ўзбекистон Республикаси парламент сайловда 851 нафар хорижий (халқаро) кузатувчи аккредитациядан ўтказилди. Қиёс учун айтиш мумкинки, 2019 йилда ўтган сайловларда 825 нафар халқаро кузатувчи аккредитация қилинган.

Янги Ўзбекистон халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиб, халқаро сайлов стандартларини амалга ошириш жараёнида конструктив ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар орасида БМТ, ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ), ЕХХТ парламент ассамблеяси, Европа парламенти, МДХ, МДХ парламент ассамблеяси (МДХ ПА), Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар бор.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонда узоқни қўлаб амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларда истиқлолнинг буюк қудрати намён бўлаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Янги Ўзбекистоннинг янги иқтисодий воқелиги: инсон учун барпо этилган тизим



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги ўн йилликда дунё тарихида шиддат билан юз бераётган воқеалар инсоният олдида улкан синовларни қўйди. Геосийосий моҳирлар авж олиши, давлатлар ўртасидаги ишонч сўниши, иқтисодий ноаниқликлар, халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўпол тарзда бузилиши XXI асрдаги барқарорлик ва тинчлик ҳақидаги тасаввурларни жиддий савол остига қўйди.

Бу воқеалар фондида инсоният табиатнинг очикча огоҳлантирувларига ҳам гувоҳ бўлмоқда: иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, касалликларнинг чегара билмас пандемик тарқалиши, ўрмонларнинг қисқариши. Шундай шароитда табиий ресурслар учун рақобат тобора кучаймоқда. Энергетика инқирози, озиқ-овқат таъминотидаги ўзишлар, глобал инфляция ва иқтисодий рецессия таъҳиди бутун дунё иқтисодиётини беқарор ҳолатга келтирмоқда.

2020 йилда эса тарихда янги саҳифа очилди. Коронавирус пандемияси нафақат саломатлик, балки иқтисодиёт, таълим, дипломатия ва бошқарув тизимларини синовдан ўтказди. Инсон капиталига эътибор, ҳукуматларнинг фуқаролари олдидаги масъулияти ва давлатларнинг барқарорлик даражаси айнан пандемия даврида синовдан ўтди.

Бундай ноаниқ, ўзаро ишончга путур етган ва беқарор даврда кўплаб давлатлар иқтисодий таназзулга, сиёсий инқирозга дуч келди. Айрим мамлакатларда норозиликлар кўчайди, давлат тузилмаларида заифлик намоён бўлди. Айниқса, халқаро муносабатларда куч қўлаш, таъҳид ва босим ўтказиш сиёсати устувор бўлиб бориши дунёда “кучли — ҳақ” тамойилини илгари сурмоқда.

Мана шундай бўронли глобал шароитда Ўзбекистон тинчлигини сақлаган, ички барқарорлиқни мустаҳкамлаган ва ислохотларни чуқурлаштирган давлат сифатида ажралиб турибди. Мустақиллигининг 34 йиллик байрами арафасида бу ислохотлар нафақат ўтмишга баҳо, балки келажакка қатъий ва ишончли қадам сифатида намоён бўлаётир.

“Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу гоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда

Истиқлолимизнинг 34 йиллик чорраҳасида турган давлатимиз бутун иқтисодий ислохотларнинг илк босқичини тугаллаб, янги тараққиёт босқичига қадам қўяётир.

Янги иқтисодий стратегияда бозор муносабатлари инсон маънафатлари билан уйғунлаштирилди. Ижтимоий сиёсат билан иқтисодий ўсиш бир-бирига қарама-қарши эмас, балки қўри-бирини тўлдирувчи механизм сифатида кўрилади. Буни давлат бюджетига харажатининг 50 фоиздан кўпи таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояга йўналтирилгани ҳам тасдиқлайди.

Мазкур босқичдаги ислохотлар маҳаллий иқтисодий тизимни глобал иқтисодиётга интеграциялашга йўналтирилган бўлиб, бу жараён мамлакатнинг халқаро рейтингларда юқорилишига олиб келди. Шунингдек, очиклик ва шаффофлик тамойилларига асосланган янги иқтисодий муҳит шаклланди. Бу эса хорижий инвесторларнинг ишончини қозонишга ёрдам берди.

Президентимизнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёда ишонч, ҳамкорлик ва ўзаро маънафатлар асосидаги яқин қўшничилик муҳитини яратибди эришти. Бундай сиёсий етуклик нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам юртимиз обрўсини мустаҳкамлади.

Бир вақтнинг ўзида мамлакатимизда босқичма-босқич ва узвий сиёсий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, миллий валютамизнинг эркин конвертацияси орқали бизнес муҳити яхшиланди. Хусусий сектор қўллаб-қувватланиб, тадбиркорлар

сони ошиб бораётир. ИИМ ҳар йили 5-6 фойз барқарор ўсаяпти.

Энг асосийси, инсон капиталига сармоя, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга ажратилаётган бюджет харажатининг кўп қисми ислохотлар марказида турибди. Камбағалликни қисқартириш, ёшларга касб ўргатиш, рақамли иқтисодиётга ўтиш, “яшил” энергетика дастурлари — буларнинг барчаси **“ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун”** деган тамойилга асосланган.

Сўнгги саккиз йилда иқтисодиётимиздаги ислохотлар ўз моҳиятига кўра, нафақат соҳавий янгиланишларни, балки бутун иқтисодий моделини қайта қўриб чиқишни талаб этди. 2017 йилдан бошланган янги босқичдаги тараққиёт жараёни инсон фаровонлигини таъминлашга қаратилган, очик ва инклюзив иқтисодиёт қўриш гоёсига таянган янги воқеликни шакллантирди.

Ислохотлар одамлар ҳаётини яхшилаш, қонуний маънафатларини таъминлашга қаратилди ва ижобий самараси билан инсонлар ҳаётида акс этаётир. Мамлакатимиздаги барча ўзгариш инсон қадрини улугʻлаш, аҳоли ҳаётини яхшилаш, адолатли жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилмоқда.

Ўзбекистонда янги иқтисодий стратегия нафақат бозор муносабатларини шакллантириш, балки уларни инсон маънафатларига хизмат қилувчи самарали тизимга айлантиришни мақсад қилди. Бундай ёндашув, аввало, инсон капиталига сармоя киритиш, рақамли инклюзив ривожланиш, солиқ юкни енгиллаштириш ва тадбиркорлик муҳитини эркинлаштиришда намоён бўлди.

Охириги саккиз йилда давлат бюджети харажати таркибида таълим ва тиббиёт соҳасига ажратиладиган маблағ сезиларли даражада ошди. 2016 йилда мактабгача таълим қамрови 27 фойз бўлган. 2025 йилга келиб, бу рақам 76 фоизга етди. Бунинг учун жорий йилнинг ўзида 162 та мактабгача таълим ташкилоти қўрилиб, кўплаб хусусий ва оилавий босғалар очилди. Мактабгача таълим умумий мажбурий таълимнинг бир қисми сифатида қонуinchиликка киритилди.

Олий таълимга қамров 42 фоизга етиб, дунё университетлари рейтингларида ОТМларимиз сони тобора кўпайиб бораётгани ислохотларнинг самарасини яна бир бор тасдиқлайди.

Иш билан таъминлаш ва касб-ҳунар ўргатиш сиёсати натижасида яшаш жойи ва соҳалар бўйича аниқ мақсадли бандлик дастурлари ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси иқтисодиётда инсон ресурслари самарадорлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришнинг асосий омилларидан бирига айланди.

2017 йил сентябрда сўмининг эркин конвертацияси ҳақидаги қарор эълон қилинди. Бу тарихий қадам туфайли банклар орқали валюта операцияси фаоллашди, халқаро сармоядорлар учун ишончли муҳит яратилди.

2019 йилда янги Солиқ кодекси қабул қилиниб, қўшимча қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. 2028 йил 1 январга қадар ҚҚС ҳамда фойда солиғи ставкаси оширилишга белгиланган бўйлиди. Кичик ва ўрта бизнесга қўшимча талаб ва мажбурият юклайдиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга ҳам уч йиллик мораторий эълон қилинди. ҚҚС қайтарishi мuddатини қисқартириш, ягона солиқ ставкаси жорий қилиниши тадбиркорлар учун муҳим қадам бўлди.

2017 йилдан кейин тадбиркорлик муҳити кескин ўзгарди. Кичик ва ўрта тадбиркорлар сони беш йилда 2 қарра кўпайган, уларда 10,5 миллион одам даромад топиб, рўзгор тебратмоқда.

2025 йилда ҳам солиқ сиёсати соҳасида қатор ислохотлар ва имтиёзлар жорий қилиняпти. Ушбу ўзгаришлар аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга қаратилган. Жумладан, 2025-2028 йилларда камбағал оилалар аъзоларини ишга олган корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фойз ўрнига 1 фойз этиб белгиланди. 2024-2027 йилларда касб ўрганишга жалб қилинган ўқувчилар учун ҳам ижтимоий ва даромад солиғи 1 фойз этиб белгиланди.

2017 йилдан давлат бюджети илк бор ОАВда эълон қилинди. Бюджет жараёнида жамоатчилик назорати учун “Очик бюджет” портали ишга туширилди.

Жаҳон тан олаётган янги иқтисодий воқеликни халқаро ташкилотлар эътирофида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Жаҳон банки Ўзбекистондаги бозорга асосланган, инсонни марказий ўринга қўйган иқтисодий ўзгаришлар минтақавий намуна бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди.

Янги Ўзбекистонда шаклланаётган иқтисодий воқелик фақат рақам ва сиёсий қарорлардан иборат эмас. Бу инсон қадрини улугʻлайдиган, шаффоф, инклюзив ва барқарор тизимдир. Энди биз учун асосий вазифа 2030 йилгача мўлжалланган инсон капиталини ривожлантириш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, инновацион ва “яшил иқтисодиёт”ни устувор йўналиш сифатида белгилаш, иқтисодий ўсишни ижтимоий ҳимоя, тенглик ва адолат билан уйғунлаштиришдир.

Хусусий сектор — янги Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотиви

Бутун дунёда рақобатчи иқтисодиёт яратишда давлатлар жадал ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёнда тадбиркорлик салоҳияти, хусусан, кичик ва ўрта бизнес сектори асосий ўринда. Ўзбекистонда ҳам вазият шундай. Кейинги беш йилда кичик ва ўрта бизнес мамлакат иқтисодиёти локомотивига айланди, дея бемалол айтиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги 5 йилда юртимизда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайган. Бугун 10,5 миллионга яқин киши айнан шу соҳа орқали даромад топтомоқда. Бу мамлакат бўйича банд аҳолининг 74 фоизи дегани. Иқтисодиёт ҳажмининг яримдан кўпи, саноат маҳсулоти ва экспортнинг учдан бир қисми кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келяпти. 2025 йил январь-июнь ойларидаги дастлабки маълумотларга кўра, аҳолининг умумий даромадида кичик тадбиркорлик улуши 57 фоизни ташкил этди.

Бу рақамларнинг ўзиёқ бизга битта ҳақиқатни кўрсатади: **Ўзбекистоннинг иқтисодий келажаги — тадбиркорлик**.

Президентимиз тадбиркорлар билан очик мулоқотда алоҳида таъкидлади: **“Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш — бизнинг стратегик йўлимиз”**. Бу сўзлар ортнда улкан ҳаракат, йўналирилган сиёсат ва аниқ механизмлар бор. Жумладан, 2025 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга ошириш, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш, кичик ва ўрта бизнес экспортини 12 миллиард долларгача етказиш, коммунал хизматлар, логистика ва ижтимоий хизматларда кичик ва ўрта бизнес улушини 2-3 баробар кўпайтириш, 1,5 миллион доимий иш ўрни очиш, 4000 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиш, 100 та янги миллий бренд яратиш, 200 та стартапни молиялаштириш каби вазифалар қўйилган.

Бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 10 миллиард долларлик имтиёзли ресурслар сафарбар этилди. Шунинг 2,5 триллион сўми ёшлар, 2,5 триллион сўми аёллар тадбиркорлигига йўналтирилади.

Кўп йиллардан бери тадбиркорлар олдидаги энг катта тўсиқлардан бири молиялаштириш эди. Энди бу йўналишда аниқ ечимлар жорий қилинмоқда. 2025 йилдан бошлаб кичик бизнесга 300 миллион сўмгача кредит берили бошланди. Фаолиятини кенгайтирган тадбиркорларга шу сумманинг 150 миллион сўми гаровсиз ажратилади. Оилавий тадбиркорлик учун ҳам 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит тақдим этилади. Эътиборли жиҳати, аёл тадбиркорлар учун кредит ставкаси бошқаларга нисбатан 2 фойз пасайтирилди.

Инновацион иқтисодиёт юқори қўшилган қиймат манбаидир. Рақамларга эътибор қаратилса, сўнгги 5 йилда 145 миллион долларлик 53 та стартап лойиҳа амалга оширилган. Янги 3 та венчур компания орқали 50 миллион долларлик фонд шакллантирилди. Бу маблағ кўпроқ илмий-технологик ечимлар ва рақамли иқтисодий лойиҳаларга сарфланиши кутилляпти. Яратилган инновацион маҳсулотлар техник стандартларга

киририлиб, давлат буюртмаларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Кичик бизнесга фаолият юритиши учун зарур ер ва бинолар бериш масаласида ҳам муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, давлатга тегишли 150 та бино аукционда чиқарилиб, тадбиркорларга тақлиф этилади. 5000 гектардан ортиқ ер янги ижара тизими орқали фермерларга берилади. 30 минг гектар ер бозор қонуниятлари асосида тақсимланади.

20 та туманда махсус лойиҳа офислари ташкил этилади. Улар хорижий муҳандис, технолог ва маркетингларни жалб қилиб, тадбиркорлар учун амалиётга асосланган маслаҳат ва қўллаб-қувватлов хизматларини тақдим этади. Ана шу мақсадга 100 миллиард сўм ажратилади.

“Янги тадбиркорлар учун “биринчи имконият” деган янги ёндашув жорий этилди. Энди биринчи марта маъмурий хато қилган тадбиркор учун, тузатиш имконига эга бўлади. Фаолиятини ихтиёрий тўхтатмоқчи бўлган кичик бизнес субъектлари учун ҳам енгилликлар жорий қилинмоқда. Хусусан, айланмасы 10 миллиард сўмдан кам ва қарзи йўқ корхоналар текширувсиз тугатилади.

Қисқаси, янги Ўзбекистон иқтисодиёти ана шундай янги йўналиш, янги тартиб, янги дунёқараш билан тараққиёт сари қатъий одимламоқда. Бу йўлда хусусий секторга стратегик аҳамият берилди. Аввалги марказлашган иқтисодий моделда четда қолган хусусий ташаббуслар энди ривожланишнинг асосий локомотивига айланди.

Агар бу йўналишдаги ислохотларга эътибор қаратсак, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва молиявий асосларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик муҳитини эркинлаштиришга қаратилган қатор ишлар қилинганга гувоҳ бўламиз.

Хусусан, лицензия ва рухсатнома турлари қисқартирилди, тадбиркорлар учун кўплаб бюрократик тўсиқлар бекор қилинди, солиқ ва боғжона тўловида енгилликлар берилди, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн рўйхатдан ўтиш механизмлари ишлаб чиқилди.

Давлат активларини хусусий секторга ўтказиш борасида салмоқли қадамлар қўйилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Биргина 2019-2023 йилларда 1900 дан зиёд давлат активи хусусийлаштирилди. Давлат иштирокидаги корхоналарда трансформация жараёни бошланди. Иқтисодиётда давлат улушини камайтириш орқали рақобат муҳити шаклланди. Бу жараёнда Davativ.uz портали, электрон аукцион ва тендер платформалари орқали фуқаролар ҳамда инвесторлар иштирокчини таъминлашга эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, биргина 2022 йилда хусусийлаштиришдан 7,5 триллион сўм тушум тушган.

Хукумат ва хусусий сектор ўртасида барқарор ҳамкорлиқни таъминлаш мақсадида “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Хусусий сектор иштирокида давлат хизматлари кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди. 2023 йилнинг ўзида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик ДХШ лойиҳалари ишга туширилди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги улуши босқичма-босқич қисқартирилиб, хусусий сектор имконияти кенгаймоқда. Бу жараён нафақат иқтисодий ўсишга туртки бермоқда, балки жамиятда фуқаролар фаоллигини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Чунки хусусий сектор ривож фақат корхоналар сони кўпайиши эмас, балки аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида иштирокини чуқурлаштириш

демакдир. У жамиятда фаол фуқаролик позициясини, ташаббус ва масъулиятни ривожлантиради.

Иқтисодиётда давлат улуши камайиб, хусусий сектор улуши ортиши бу — фақат рақамлар эмас, балки жамиятнинг янги-ча фикрлаши, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва мамлакат тақдирини ўзини масъулиятни ҳис этишидир. Иқтисодий назарияга кўра, хусусий мулк эгаси ўз ресурсларидан самарали фойдаланиш, бозор талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга интилади. Бу эса рақобат муҳитини кучайтиради. Шу тарика маҳсулот сифати ошади, иш ўринлари очилади ва янги технологиялар жорий этилади.

Ислохотлар хусусий тадбиркорликка киритиш учун тўсиқларни камайтирди. Яъни рўйхатдан ўтиш жараёни соддалаштирилди, солиқ юки енгиллаштирилди, ташқи бозорларга чиқиш имконияти кенгайди. Бу орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисми хусусий сектор ҳиссасига тўғри кела бошлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, хусусий сектор улуши қанча катта бўлса, иқтисодиёт шунча барқарор ва жамият фаол бўлади. Масалан, Жанубий Корея ёки Сингапурда хусусий сектор давлат ислохотларининг етакчи қуввати сифатида хизмат қилган.

Давлат билан бизнес ўртасидаги шериклиқни институционаллаштириш йўлида янги механизмлар яратилди. Тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар, бизнес ассоциацияларнинг давлат органлари билан узвий алоқаси, хусусий сектор вакилларининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда иштироки каби чора-тадбирлар бизнес муҳитини яхшилашга хизмат қилди. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун махсус фонд ва дастурлар ишга туширилди. Янги корхоналар пайдо бўлиши жаҳон стандартларига мос маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш имконини яратиб, экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўйди.

Янги Ўзбекистон шароитида хусусий бизнесга фақат пул топши воситаси эмас, балки унга ижтимоий шерик, ижтимоий масъулиятли субъект сифатида қаралмоқда. Мазкур тенденция “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топган, яъни хусусий секторнинг улушини янада ошириш, инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Валюта, солиқ ва молия: энг оғир, лекин зарур қадамлар

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич, стратегик режалаштирилган тарзда амалга оширилмоқда. Уларнинг ичида энг оғир, лекин иқтисодий тараққиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга йўналишлар валюта сиёсати, солиқ тизими ва молиявий барқарорлик масалалари бўлди.

Бу соҳалардаги ислохотлар орқали иқтисодиётнинг асосий тузилмалари қайта қўриб чиқилди. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар шаффофлашди, иқтисодий интизом мустаҳкамланди.

Валюта курсини эркинлаштириш шаффоф иқтисодиёт учун пойдевор яратди. 2017 йил 5 сентябрдаги қарор асосида сўмининг эркин конвертациясига ўтиш билан мамлакатимиз валютаси сиёсатидаги кўп йиллик муаммолари вазият тугатилди. Бу иродали ва тарихий қадам хусусий секторнинг қўллаб-қувватлашга қаратилиши кераклигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, солиқ маданияти бутун жамият учун умумий қадриятга айланиши зарур.

Тадбиркорлик муҳити яхшиланди. Кўплаб фирмалар легал ишлашга ўтди. Текширувлар сони камайди, солиқ инспекторлари билан ўзаро муносабат маслаҳатлашуга асосланди. Натижада халқ орасида солиқ тўлашга муносабат ҳам ўзгарди. Аввал солиқ “мажбурият”, “жазо”, “тектирув” тимсоли бўлган бўлса, бугун “инфратузилма”, “худуд ривож”, “давлат хизмати” манбаи сифатида қўрилмоқда.

Масалан, Очик бюджет платформаси орқали ҳар бир фуқаро ўзини оид худудга давлат қанча маблағ ажратилганини билиши мумкин. Бу эса солиқ тўловчининг масъулиятини ҳам, ишончини ҳам оширмоқда.

2025 йилдан бошлаб солиқ маъмуричилигини рақамлаштириш жараёнини такомиллаштириш, ўрта мuddатли солиқ сиёсати концепциясини жорий этиш ва самарадорликка асосланган солиқ мониторингинг тизимини тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

2016 йилгача юртимиздаги солиқ сиёсати тадбиркорлар учун оғир юк, аҳоли учун эса кўпинча тушунарсиз ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлиб келган. Кўплаб солиқ турлари, турли ставкалар, қўғозбозлик ва инсон омилига боғлиқ назорат жараёнлари ишонсизлик муҳитини вужудга келтирарди.

Бу жараёнда 2017 йилдан бошлаб тўб бурилиш ясалди. 2020 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган янги Солиқ кодекси сўнгги йиллардаги энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Янги кодексда нафақат солиқ турлари қайта қўриб чиқилди, балки “давлат — тадбиркор — фуқаро” ўртасидаги муносабатларга доир ҳолисона асос яратилди.

Асосий ўзгаришлар ҚҚС ставкаси туширилиши, ягона ижтимоий тўловлар камайтирилиши, солиқ турлари қисқартирилиши, содда ҳисоб-китоб механизми жорий қилиниши билан боғлиқ бўлди.

Электрон ҳисобот ва онлайн солиқ тизимларининг қўғозсиз ҳужжат айланимасига ўтишди. Бу тадбиркор учун енгиллик баробарида шаффофлик ва тенг рақобат муҳити учун ҳам муҳим қадам бўлди.

Солиқ тизимининг рақамлаштирилиши сўнгги йиллардаги энг катта ютуқлардан биридир. “My.soliq.uz”, QR-кодли кассалар, онлайн-фискал аппаратлар ва автоматлаштирилган ҳисобот тизимлари тадбиркорни солиқ идораларига боғлиқликдан қутқарди.

Ҳозир тадбиркор солиқ тўлаш учун навбат кутмайди, ҳуқуқий маълумотни қозғ қидириб изламайди, балки мобил телефон орқали барча жараёни бошқаради. Солиқ назоратида ҳам инсон омили қисқариб, автоматлаштирилган тизимлар жорий қилинди.

Солиқ ислохотлари натижасида солиқ тушуми ошди ва давлат бюджети барқарорлашди, ЯИМда кузатилмайдиган иқтисодиёт улуши 2020 йилда 45 фойз бўлган бўлса, 2025 йилнинг январь-март ойларида бу кўрсаткич 32 фоизни ташкил қилган.

Илгари тадбиркорлик фаолиятига ортиқча мамурий босим ва давлат аралашуви кучли бўлишни учун кўплаб бизнес эгалари очик иш юритишдан чўчирди. Сўнгги йилларда эса солиқ юкни пасайтириш ва ортқича бюрократик тўсиқларни йўқотиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, солиқ турлари 13 тадан 9 тагача қисқартирилди, 100 дан зиёд лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада яширин иқтисодиётнинг ялпи иқтисодиётдаги улуши 2019 йилдаги 45-50 фоиздан 35 фоизгача камайди. Бироқ бу кўрсаткични янада пасайтириш вазифаси долзарблигимизга қолмоқда.

Электрон тўловлар тизими ривожланиши аҳоли учун кенг имкониятлар яратиш билан бирга, яширин иқтисодиётни қисқартиришда ҳам самарали воситага айланди. Давлатимиз раҳбари бу масалага эътибор қаратар экан, фақат назоратни кучайтириш билан барқарор натижага эришиб бўлмаслигини, асосий эътибор аҳоли ва тадбиркорларнинг солиқ маданиятини ошириш, ҳалол иш юритувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилиши кераклигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, солиқ маданияти бутун жамият учун умумий қадриятга айланиши зарур.

Тадбиркорлик муҳити яхшиланди. Кўплаб фирмалар легал ишлашга ўтди. Текширувлар сони камайди, солиқ инспекторлари билан ўзаро муносабат маслаҳатлашуга асосланди. Натижада халқ орасида солиқ тўлашга муносабат ҳам ўзгарди. Аввал солиқ “мажбурият”, “жазо”, “тектирув” тимсоли бўлган бўлса, бугун “инфратузилма”, “худуд ривож”, “давлат хизмати” манбаи сифатида қўрилмоқда.

Масалан, Очик бюджет платформаси орқали ҳар бир фуқаро ўзини оид худудга давлат қанча маблағ ажратилганини билиши мумкин. Бу эса солиқ тўловчининг масъулиятини ҳам, ишончини ҳам оширмоқда.

2025 йилдан бошлаб солиқ маъмуричилигини рақамлаштириш жараёнини такомиллаштириш, ўрта мuddатли солиқ сиёсати концепциясини жорий этиш ва самарадорликка асосланган солиқ мониторингинг тизимини тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Янги Ўзбекистоннинг янги иқтисодий воқелиги: инсон учун барпо этилган тизим



Бошланиши 1-, 4-бетларда

Бундан ташқари, кичик бизнес учун 2028 йилгача солиқ ставкаси оширилмаслиги, янги солиқ юки юкланмаслиги, ортиқча талаблар жорий этилмаслиги қафолатланган. Бу ишонч ва барқарорлик мезонидир.

Солиқ тизимидаги ислохотлар рақамларда эмас, ҳаётда акс этмоқда. Халқ солиқ тўлаб, давлатдан хизмат кутипти. Давлат эса бу ишончини адолатли, шаффоф ва замонавий тизим билан оқлашга ҳаракат қилаётир.

Янги молиявий сиёсатда асосий мақсад давлат маблағидан оқилана, манзилли ва самарали фойдаланишдир. 2017 йилдан давлат бюджетни ОАВда очик-ойдин эълон қилина бошладди. “Очиқ бюджет” портали ишга туширилди, унда маҳаллий лойиҳаларга овоз бериш механизми яратилди. Инфляция даражаси йилма-йил тушишда давом этиб, икки хонали сондан бир хонали сонга тушди. Давлат қарзини бошқариш тизими халқаро стандартларга мослаштирилди. Молия сиёсатининг бош мақсади “халқ маблағлари халқ учун ишлаши шарт” тамойилини ҳаёtgа татбиқ этишдан иборат бўлди.

Умуман олганда, валюта, солиқ ва молия соҳаларидаги ислохотлар янги Ўзбекистон иқтисодиётини янгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу жараён кўплай тизимли ўзгаришларни бошлаб берди. Экспорт салоҳияти ошди, бюджет маблағи мақсадли сарфлангандан бўлди, тадбиркорлик муҳити сезиларли яхшиланди. Энг муҳими, бу соҳалардаги ўзгаришлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Молиявий тизимни модернизация қилиш ва банклар трансформацияси

2017 йилгача банк пластик картасидаги маблағни нақд пулга айлантириш ҳақиқий “иқтисодий фидойилик” талаб қиларди. Одамлар пулни нақдлаштириш учун маблағининг муайян қисmini тўғридан тўғри бой беришга мажбур эди. Бу эса на бозор иқтисодиёти мезонлари, на адолат тамойилларига мос келарди.

Валюта масаласи эса бутунлай бошқа бир “ёпиқ дунё” эди. Эркин конвертация тушунчаси қаёқда! Хатто расмий валюта курсининг ўзи реал бозор нархидан мутлақо узоқ эди. Олдий фуқаро доллар сотиб олиш учун “қора бозор” сарфин йўл олган, бу эса иқтисодиётдаги ноқонуний муносабатларни авж олдириганди.

Ҳа, бу кечатгина кузатилган ҳаёт манзараси. Бутун эса буткул бошқа ҳолатни кузатишди. Иқтисодий эркинлик, рақамли хизматлар, очик валюта сиёсати ва жамият манфаатига хизмат қилувчи механизмлар сўнгги саккиз йилдаги ислохотларнинг амалии самараси бўлди.

Янги Ўзбекистонда молия-банк соҳасини модернизация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зотан, банк тизими иқтисодиётнинг қон томирдир. Шу боис, ундаги самарадорлиқни ошириш, бозор механизмидаги жорий этиш ва рақобатбардор молиявий инфратузилмани шакллантириш муҳим вазифа этиб белгиланди. Ислохотлар миллий банк тизimini замонавий ва халқаро мезонларга мос ҳолатта олиб чиқишга қаратилди.

Молиявий технологиялар (FinTech) ва микромолия соҳасида мислсиз ўсиш кузатилди. Айниқса, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай электрон тўлов тизими кенг жорий этилди. “Payme”, “Click”, “Apselsin”, “Uzum” каби платформалар орқали ҳар кун миллионлаб транзакция амалга оширилмоқда.

2017 йилда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражаси 27 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 65 фоизга етди. Масофавий идентификация, онлайн кредитлаш, QR тўловлар каби замонавий ечимлар рақамли иқтисодиётнинг тезкор ривожига туртки берди.

Ўзбекистон молия соҳасида халқаро ҳамкорлиқни сезиларли даражада фойдалаштирди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа тузилмалар билан 200 дан ортиқ молиявий лойиҳа амалга оширилди.

Банк тизimini ривожлантириш учун келгінги 5 йилда 2,5 миллиард долларга яқин маблаг жалб қилинди. Халқаро рейтинг агентликларини — Moody’s, Fitch ва S&P банкларимизни баҳолай бошладди. Бу эса хорижий инвесторлар учун ишонч муҳитини яратди.

Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг юксалиши

Ўзбекистоннинг сўнгги саккиз йилдаги иқтисодий юксалиши халқаро молия ташкилотлари, инвесторлар ва савдо ҳамкорларидан жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу йилларда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари фаоллашди, инвестиция муҳити тубдан ислох қилинди, ишбилармонлар учун қафоллати ва шаффоф механизмлар яратилди.

2017 йилдан бошланган валюта либераллашуви, солиқ ислохотлари, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш чоралари ва иқтисодий ҳудудларнинг ишга туширилиши Ўзбекистонни янги инвестиция йўналишидаги муҳим маконга айлантирди.

Иқтисодиётнинг ташқи дунё билан интеграциялашуви, хорижий инвестициялар оқими кенгайтириш ва экспорт имкониятларини ошириш иқтисодий сиёсатнинг марказий йўналишларидан бирига айланди. Натижада инвестиция муҳити яхшиланди, савдо бозорлари диверсификация қилинди ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятдаги ўрни мустаҳкамланди.

Иқтисодий сиёсатнинг шаффофлиги ва барқарорлигини халқаро рейтинг агентликлари ҳам эътироф этмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг инвестиция жозибадорлиги орттишида ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

2025 йил 13 июнь кунини “Moody’s” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини бўйича янгиланган ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботда мамлакатимизнинг рейтинг баҳоси “Вa3” даражасида сақлангани, аммо унинг кутилмас “барқарор”дан “ижобий”га кўтарилиши маълум қилинди. Шу билан бирга, Transparency International, Heritage Foundation ва ЕҒ каби халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистон бизнес муҳитидаги ижобий ўзгаришларни қайд этмоқда. Бу жиҳатлар мамлакатга ишончини ошириб, узоқ муддатли инвестиция қилиш учун шарт-шароит яратмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлаш мақсадида Давос, Берлин, Сеул, Пекин ва Дубайда тақдимот тадбирлари ўтказилди.

Экспорт сиёсатини фаоллаштириш ва янги бозорларга чиқиш мамлакат иқтисодиёти учун асосий омиллардан бирига айланди. 2017-2024 йилларда Ўзбекистоннинг экспорт сиёсатида сифат жиҳатидан муҳим ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, ҳомаше махсулотлари улуши 2017 йилдаги 36,3 фоиздан 2024 йилда 17,3 фоизгача камайган. Шу билан бирга, қайта ишланган ресурсга асосланган махсулотлар экспортини икки баробар — 3,9 фоиздан 8,4 фоизгача ўсган. Паст технологияли махсулотлар улуши 14,2 фоиздан 17,1 фоизгача кўтарилган. Урта технологияли махсулотлар экспортини 8 фоиз атрофида барқарор сақланган бўлса, юқори технологияли махсулотлар улуши 0,5 фоиздан 1,5 фоизгача ошиб, саноат махсулотлари экспортда мураккаблашиш жараёни жадал кечаетганини кўрсатмоқда.

Мазкур динамика экспорт салоҳиятида юқори қўшилган қийматли махсулотлар улуши ҳамда саноатлашув даражаси ортиб бораётганини тасдиқлайди. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро бозордаги рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади.

Қозғоистон, Россия, Хитой, Туркия каби аъзанавий бозорлар билан бир қаторда Япония, Жанубий Корея, БАА, Саудия Арабистони каби йўналишларда ҳам экспорт ҳажми ошмоқда. “Made in Uzbekistan” бренди билан 50 дан зиёд мамлакатга тўқимачилик, мева-сабзавот, фармацевтика ва кимё махсулотлари етказиб берилмоқда.

Шунингдек, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,8 миллиард доллардан

10 миллиард долларгача ошди, ЯИМда хусусий ва хорижий инвестиция ҳиссаси 32 фоиздан 43 фоизгача ўсди. Экспорт қилувчи корхоналар икки баробар кўпайди. Инвестиция лойиҳаларига оид қарорлар қабул қилиш механизми автоматлаштирилди ва шаффофлик таъминланди.

Умуман олганда, бугунги инвестиция оқими фақат моддий капитал эмас, балки билим, технология, иш ўринлари ва янги кадриятлар ҳам олиб келаётир.

Замонавий агросаноат шаклланиши

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар нафақат ер муносабатлари, балки бутун агросаноат комплексини тубдан ўзгартирди. Тўғри, бу йўналишдаги ўзгаришлар орғиқчи, мураккаб ва босқинча-босқич кечди. Бироқ охири-оқибатда тармоқда самарадорлик, бозор механизмлари ва хусусий мулк устуворлиги таъминланди.

Соҳадаги энг катта ислохотлардан бири ер муносабатларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш бўлди. 2021 йилдан бошлаб фермер ва деҳқонларга ерни ижарага бериш тизимида тенг рақобат шартлари жорий этилди. Янги кадастр тизими яратилди ва 100 фоиз рақамлаштирилди. Ер майдонларининг ҳуқуқий мақоми, ҳажми ва ҳолати очик ва шаффоф маълумот сифатида аҳолига тақдим этилди. Президентимизнинг 2022 йилдаги тегишли қарорига мувофиқ, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолаш тизими автоматлаштирилди, GPS ва геопорталлардан кенг фойдаланиш таъминланди. Бу жараёнлар фермер ҳўжаликларига ишончини экин майдони, агротехник хизматларга тезкор чиқиш ва молиялаштириш имконини яратди.

Сўнгги йилларда мамлакатда агрокластер модели жорий этилди. Бу тузилма томонидан пахта-тўқимачилик, боғдорчилик, чорвачилик, иссиқхона хўжаликлари йўналишларида йирик хусусий капитал ва халқаро тажриба жалб қилинмоқда. Инновацион технологиялар, томчилаб суғориш, интенсив боғдорчилик ва узлуксиз логистика тизими кенг жорий этилмоқда.

Экспортбоп махсулотлар етиштириш бўйича 2016 йилда аграр экспорт қиймати 700 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 2,5 миллиард доллардан ошди. Йил якунига келиб эса 3,5 миллиард долларни ташкил этишни режа қилинган. Мева-сабзавот, узум, анор, ёнғоқ, зираворлар, асал каби махсулотлар Яқин Шарқ, Жанубий Корея, Хитой ва Европа бозорларига етказилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ислохотлари нафақат ишлаб чиқариш, балки аҳолининг бандлиги ва турмуш сифатини ошириш учун ҳам туртки бўлди. 2017-2024 йилларда қишлоқ хўжалигида 1,2 миллиондан ортиқ янги иш ўрни очилди. “Хар бир оила — тадбиркор”, “Ешлар — келажагимиз” дастурлари доирасида қишлоқ ешлари учун махсус аграр стартап лойиҳалари амалга оширилди.

Агротуризм ва экотуризмни ривожлантириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Фарғона, Самарқанд вилоятларида махсус агроқишлоқлар ташкил этилди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган кредитлар ҳажми 3 баробар кўпайди, аграр ташлам ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ислох қилинди.

Умуман, ердан самарали фойдаланиш кўрсаткичи ошди. Экспортбоп махсулотлар етиштириш ҳажми ва географияси кенгайди. Қишлоқда ишсизлик даражаси пайсайдн, яшаш шароити ва инфратузилма яхшиланди.

Энергетика ва инфратузилма: янги инвестиция йўналишлари

Янги Ўзбекистон иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга тармоқлардан яна бири энергетика ва инфратузилма соҳасидир. Ундаги ислохотлар нафақат иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, балки инвестициявий жозибадорлиқни ошириш, аҳоли турмушини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда.

Узоқ йиллар давлат томонидан қатъий тарзда назорат қилинган энергетика бозорига сўнгги йилларда изчил либераллаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш сиёсати юритилди. Электр энергиясини узатиш, тақсимлаш ва сотиш бўйича фаолият ажратилди, ҳар бир бўғинга рақобат элементлари жорий этилди. 2022-2023 йилларда электр энергиясини ва табиий газни аста-секин бозор нархига ўтказиш бўйича сценарийлар амалиётга татбиқ қилинди. Шу билан бирга, эстемолчиларини ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий тарифлар, субсидия механизмлари ва рақамли ҳисоблагичлар жорий этилди.

“Яшил иқтисодиёт” тамойили асосида энергетика соҳасини трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2019-2024 йилларда 5 та қуёш ва 3 та шамол электр станцияси қурилиб, умумий қуввати 2,5 гигаваттдан ошди. ACWA Power (Саудия Арабистони), Masdar (БАА), Total Eren (Франция) каби йирик халқаро компаниялар билан узоқ муддатли шартномалар имзоланди.

Энергия самарадорлигини ошириш бўйича давлат объектилари ва йирик саноат корхоналарида замонавий технологиялар жорий этилди. Буларнинг барчаси халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг “карбон нейтрал” иқтисодиётга ўтиш борасидаги сиёсий иродаси ва амалий ҳаракатларини намоян қилмоқда.

Инфратузилма соҳаси мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ошишда ҳал қилувчи омилдир. Шу боис, 2017-2024 йилларда 4000 километрдан зиёд автомобиль йўли, 3 та янги темир йўл йўналиши, 30 та йўл ўтказгичи ва



туннель барпо этилди. Автомобиль ва темир йўл логистика марказлари, экспортга йўналтирилган махсулотлар учун “бажарилган экспорт” платформалари ташкил этилди.

Марказий Осиёдаги транспорт занжирини муҳим ўрин тутган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси босқинча-босқич амалга оширилмоқда. Бу инфратузилма ислохотлари нафақат ички бозор, балки транзит салоҳиятини ошириб, мамлакатимизни минтақавий хабга айлантиришга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиёт: технологик салоҳият ривожини

Рақамли иқтисодиёт нафақат инновацион ривожланиш омилли, балки самарадорлик, шаффофлик ва ҳамада яқин бошқарув тизимининг асосий устуни сифатида қўриляпти. Бу борада сиёсий иродна кўрсатилаётгани, ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилиши ва замонавий инфратузилма жорий этилиши мамлакатда рақамли трансформацияни изчил таъминламоқда.

Бир ҳақиқат бор: рақамли иқтисодиётни ривожлантирмай, рақобатбардор иқтисодий тизим ҳақида гапириб бўлмайди. Янги Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизими орқали фуқаролар ва бизнес учун давлат хизматларида фойдаланиш механизми тубдан янгиланди. Юртимизда рақамлаштириш сиёсатининг энг самарали намунаси сифатида Ягона интерактив давлат хизматлари портали намоян бўлмоқда. Бу платформа фақат электрон хизмат кўрсатиш воситаси эмас, балки ҳуқуқий шаффофлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорлиқни таъминловчи институционал асос сифатида шаклланимоқда.

2024 йилга келиб ЯИДХП орқали 347 турдаги электрон хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бу 2023 йилга нисбатан 135 фоиз ўсишни аниқлатади. Бунинг ортида нафақат технология, балки маъмурий тезкорлик, ресурстежамкорлик ва давлат тузилмасига фуқаролар ишончини турибди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳоли ва тадбиркорлар давлат идоралари билан тўғридан тўғри рақамли мулоқотда бўлиш имконига эга. “Электрон

ҳукумат тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, давлат идоралари учун рақамлаштириш юридик мажбуриятга айлантирилди.

ЯИДХП орқали кўрсатилаётган хизматлар фақат қулайлик эмас, балки давлат бошқарувида инсон омиллини камайитириш, фуқаро ва давлат ўртасидаги ишончини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий фаоллиқни кучайтириш механизмидир.

Мамлакатимизда электрон ҳукумат тизimini кенгайтириш коррупциянинг олдини олиш, солиқ тушувларини ошириш, ташқи инвесторлар учун шаффоф муҳит яратиш каби муҳим омилларни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ID карта, электрон рақамли имзо, солиқ ва пенсия хизмати, нотариус, никоҳ, уй-жой, кадастр маълумотлари тўлиқ рақамлаштирилди. Бу жараён давлат хизматига самарадорлиқни оширди, коррупция хавфини камайитириди ва аҳоли ишончини мустаҳкамлади.

Рақамли иқтисодиёт ривожини, биринчи навбатда, ахборот технологиялари соҳасига давлат эътибори ва ёшлар иқтидорини сафарбар этиш орқали таъминланмоқда. 2019 йилда ташкил этилган AT Park Uzbekistan ҳозир мамлакатнинг 14 та ҳудудида фаолият юритмоқда ва 1400 дан ортиқ резидент компанияни бирлаштирган. 2024 йилга келиб, ушбу соҳада экспорт қиймати 1 миллиард долларга яқинлашди. Бу 2019 йилдаги кўрсаткичдан 6 баробар кўп.

“One Million Uzbek Coders”, “Ешлар — келажагимиз”, “Start-up initiatives” дастурлари орқали ўн минглаб ёшлар дастурлаш, киберхавфсизлик, веб ва мобил иловалар яратиш соҳалари бўйича ўқитилди. “Digital Uzbekistan 2030” концепциясида экспорт салоҳиятини 5 миллиард долларгача етказиш мақсад қилинган. Ушбу соҳада ишловчи мутахассислар сони 2024 йилда 100 мингдан ошди. Бу кўрсаткич 2017 йилда 15-20 минг атрофида эди.

Рақамли иқтисодиётдаги ислохотлар фақат AT компанияларини эмас, балки иқтисодиётнинг барча соҳаси — банк, таълим, тиббиёт, солиқ, транспорт, агросаноат ва бошқаларни ҳам қамраб олди. Банк-молия соҳасида онлайн кредитлаш, масофавий идентификация, QR



тўлов, Open Banking тизимлари кенг жорий этилди. 2024 йилда онлайн тўлов қиймати 700 триллион сўмдан ошди.

Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатда рақамлаштириш жараёнини ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар билан узвий боғлашга хизмат қилмоқда. Натижада электрон давлат хизматлари 3 баробар кўпайди, AT соҳасида экспорт ҳажми 6 баробар ортди. AT Park резидентлари 25 баробар кўпайди. Аҳолининг рақамли хизматлардан фойдаланиш даражаси 80 фоизгача етди. Рақамли технологиялар жорий этилган соҳалар сони 20 тадан ошди.

Келгусида миллий технопарклар тармоғига кенгайтириш, кадрлар сонини 500 мингга етказиш, экспорт салоҳиятини кўпайтириш ва рақамлаштиришнинг барча соҳаларда мажбурий талаб сифатида белгиланган устувор вазифадир.

Ижтимоий адолат ва камбағаллиқни қисқартириш: иқтисодий сиёсатнинг юраги

Янги Ўзбекистон тараққиёт модели марказида инсон, унинг шаъни, ҳуқуқлари ва фаровон ҳаёти турди. Бу тамойил ижтимоий сиёсатнинг ҳам, иқтисодий ислохотларнинг ҳам юрагига айланди. Мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш, ижтимоий адолат, инклюзив ўсиш, таълим ва тиббиётда тенг имконият яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

2017 йилдан бошлаб камбағаллиқни аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича мутлақо янгича ёндашув жорий этилди. Бу соҳадаги сиёсат фақат моддий ёрдам билан эмас, балки ижтимоий ҳимоя, таълим, бандлик, тадбиркорлик, уй-жой, рақамли хизматлар ва соғлиқни сақлашни қамраб олган комплекс ислохотлар тизимасига айланди.

2021 йилда аҳолининг 17 фоизи камбағаллик чизигидан пастда яшаган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 11 фоизгача пасайган. 2024 йилда камбағаллик даражаси 8,9 фоизга тушиб, 719 минг киши камбағалликдан чиқарилган.

2025 йил мамлакатимизда бандлиқни таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартиришда ҳал қилувчи давр сифатида белгиланган. Мазкур йилда 5 миллион 200 минг кишини иш билан таъминлаш, 1,5 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этиш ва экспорт қийматини 30 миллиард доллардан юқорига олиб чиқиш режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда умумий қиймати қарийб 14 миллиард долларлик 8000 та лойиҳа амалга оширилиб, 272 мингта доимий иш ўрни очиб мўлжалланмоқда.

Камбағаллик даражасининг пасайиш сабаблари сифатида онлайин тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” тизимлари орқали аниқ ишлаш, ижтимоий ҳимоя ягона реестрини жорий этиш, бандлик дастурлари кенгайтириш, пенсия ва нафақа тизimini электронлаштиришни келтириб ўтиш мумкин. Бу фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаб, инсон омиллини камайитиради ва коррупция хавфини минималлаштиради.

Камбағаллиқни қисқартиришнинг узоқ муддатли йўли инсон капиталига инвестиция қилинишидир. Шу мақсадда ҳар бир туманда кадрлар тайёрлаш марказлари очилди. Ишсиз ёшлар ва аёллар махсус дастурлар орқали бозор талабларига мослаштирилди. Хорижий мамлакатлар билан келишувлар асосида меҳнат миграцияси орқали даромад манбалари кенгаймоқда.

Камбағалликка қарши кураш давлат сиёсатининг марказига чиқди. Бу соҳадаги муваффақиятлар шунчаки рақамлар эмас, одамлар ҳаётидаги сезиларли ўзгаришлар, ижтимоий тенглик, муносиб турмуш, шаффоф ва самарали давлат хизматлари, инсон қадрига муносабат ифодаси бўлмоқда.

Камбағаллик даражаси ҳар бир давлат учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорлик, инсон қадрни, тенг имкониятлар тамойили кўзгусидир. Ўзбекистонда ушбу жаҳондаги сиёсат ва амалий ишларда камбағаллиқни қисқартиришга стратегик ёндашув сифатида қаралаётганини кўрсатади. Бу жараёнда давлатнинг тўғридан тўғри нафақа бериш сиёсатини дово кечи, иқтисодий фаоллик орқали даромад топиш имкониятини яратиш тамойили устувор бўлди.

Ижтимоий адолат, иқтисодий тенглик ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича қатор тизимли ислохотлар амалга оширилди. Янги мактаблар ва Президент мактаблари, технопарклар, AT мактаблари очилди. Олий таълим соҳасидаги ислохотлар ва халқаро ҳамкорлик дастурлари юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини оширди.

2019-2024 йилларда 180 мингта яқин оила арзон уй-жой билан таъминланди. Аҳоли учун йўналтирилган ипотека кредити миқдори 4 баробар оширилди. Кам таъминланган оилалар учун коммунал субсидиялар, ижтимоий ипотека механизми жорий этилди.

Янги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаси инсон салоҳиятига таянгандан инклюзив тизим асосида ривожланмоқда. Кичик тадбиркорлик субъектларининг давлат харидидаги иштирокни кенгайтириш орқали ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ва ёшлар бандлигини ошириш, шунингдек, давлат харидлари тизimini янада тақомиллаштириш ва ушбу тизимда жамоатчилик назоратини қучатириш мақсадлари белгилан болинди. Унга қўра, 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга оширишда нарх ва бошқа шартнолар тенг бўлиш ҳолларида ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг тақлифлари устуңлиқка эга бўлади.

“Ешлар дафтари” орқали 2 миллионга яқин ёш мутахассис касб ўрганиш, кредит олиш, ишга жойлашиш имкониятини қўлга киритди. Бу натижалар фуқароларнинг давлатга ишончи, жамиятда тенглик ва адолатни таъминлашдаги муваффақиятли қадамлардан далолат беради.

Мақсадли ижтимоий дастурлар энг эҳтиёжманд оилаларга бевосита ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларнинг ўзини ўзи таъминлаш қобилиятини оширишни ҳам кўзда тутди. Касб-хунарга ўқитиш дастурлари, микрокредитлар бериш ва кичик бизнесни бошлашда қўллаб-қувватлаш камбағал оилаларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилди. Ижтимоий ишлар дастури орқали минглаб фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Соғлиқни сақлаш тизимига инвестиция йўналтирилиши нафақат тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, балки ижтимоий адолатни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бирламчи тиббий хизматлар ривожланиши, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш ва кадрлар малакасини оширишга йўналтирилган инвестиция аҳолининг саломатлиги кўрсаткичлари яхшиланишига ҳисса қўшди.

Умумий натижаларга келсак, иқтисодиётимиз ўсиши халқимиз ҳаётига сезиларли ўзгаришлар олиб кирапти. Янги Ўзбекистоннинг келажаги айнан ана шу — инсон манфаатларига хизмат қиладиган иқтисодий моделда намоян бўлмоқда.

Сўнгги саккиз йилда Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилган ислохотлар, ўз моҳиятига кўра, нафақат соҳавий янгиланишлар, балки бутун иқтисодий моделни қайта қўриб чиқишни талаб этди. 2017 йилдан бошланган янги босқичдаги тараққиёт жараёни инсон фаровонлигини таъминлашга қаратилган, очик ва инклюзив иқтисодиёт қуриш ғ



Юксалиш паппаси

ЁШ МУҲАНДИСЛАРИМИЗ ГИННЕС РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ

Куни кеча 1946 нафар ёш муҳандисимиз 25 дақиқада 1946 та кичик роботни ясаб ҳаракатга келтиргани шундай юксак эътироф этилди. Ушбу миссия юртимизнинг илм-фан ва муҳандислик соҳасидаги имкониятини намойён этиш баробарида барчада гуруҳ туйғусини уйғотди.

Мазкур лойиҳа ёшларнинг инновацион тафаккурини кенгайтириши ва келгусида глобал майдонда рақобатлаша оладиган мутахассис сифатида шаклланишга қўмак бериши билан аҳамиятли. Қолаверса, навқирон авлод вақилларининг илмий изланиши ва муҳандислик фаолиятига бўлган қизиқишини янада кучайтириб, мамлакатимизда янги авлод муҳандисларини етиштиришда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

— Бу жараён нафақат ёшларнинг илмий-техник салоҳиятини намойиш этди, балки уларнинг изланувчанлиги, жамоавий ҳамжиҳатлиги ва янгилик яратишга бўлган интилишини ҳам ёрқин кўрсатди, — деди олий таълим, фан ва инновациялар вазир Кўнғиротбой Шарипов. — Рекорд ўрнатиш катта байрамона руҳда ўтди ҳамда Ўзбекистон ёшлари учун технология ва инновациялар соҳасида янги марраларга йўл очди.

Миссияни амалга оширишдан олдин иштирокчилар давлат мадҳиясини жонли тарзда ижро этди. Бу лаҳза ёшлар қалбида фахр ва юртга садоқат туйғусини янада кучайтирди.

— Гиннес рекордини янгилаш жараёнида бевосита иштирок этиш қалбимга чексиз ифтихор берди, — деди Бухоро давлат техника университети талабаси Акрам Файзуллаев. — Биз удаладек — Ўзбекистон муҳандислик ва робототехника йўналишида Гиннес рекордини янгиладик! Мазкур жараёнда университетимиз талабалари ҳам фаол қатнашиб, ўз илмий-техник салоҳиятини намойён этди. Бизнинг иштирокимиз нафақат вилоятимиз нуфузини, балки мамлакатимиз

— Ушбу рекордлар китобига киришининг асосий шартларидан бири махсулот сотувга чиққан бўлиши керак, — дейди Тошкент кимё-технология институти талабаси Самандар Каримбердиев. — Биз тайёрлаган конструктор робот пахта теришга мўлжалланган бўлиб, аллақачон сотувда бор. Шу роботнинг майда қисмларини йиғиб, ихчамлаштирилган моделини намойиш қилдик. Жараён жуда ҳаяжонли ва шуқуқли бўлди.

Тадбир Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилди. Саралаш жараёнида 15-20 ёшли иқтидорли ёш муҳандислар танлаб олинди. Худудлардаги олийгоҳлардан 1000, Тошкент шаҳридаги олийгоҳлардан 930, Президент таълим муассасалари агентлиги таркибидagi муассасалардан 50 нафар ёшлар, ногиронлиги бўлган ёш муҳандислардан 20 нафари иштирок этди.

Тадбирда Бутунжаҳон Гиннеслар рекорди ташкилоти ҳаками Карл Савилле қатнашиб, жараёни назорат қилиб, натижани расман эълон қилди.

25 дақиқа ичида ёш муҳандисларимиз томонидан яратилган роботлар махсус тартибда текширилди ва тадбир бош ҳаками томонидан расман тасдиқланди. Шундан сўнг Гиннес рекорди янгиланганлиги тўғрисидаги сертификат тантанали равишда олий таълим, фан ва инновациялар вазир Кўнғиротбой Шариповга топширилди. Шу тариқа 18 август куни Ўзбекистон тарихида илк бор муҳандислик соҳасида Гиннес рекорди ўрнатилди.



25 дақиқа ичида ёш муҳандисларимиз томонидан яратилган роботлар махсус тартибда текширилди ва тадбир бош ҳаками томонидан расман тасдиқланди. Шундан сўнг Гиннес рекорди янгиланганлиги тўғрисидаги сертификат тантанали равишда олий таълим, фан ва инновациялар вазир Кўнғиротбой Шариповга топширилди. Шу тариқа 18 август куни Ўзбекистон тарихида илк бор муҳандислик соҳасида Гиннес рекорди ўрнатилди.

ёшларининг куч-ғайратини дунёга кўрсатди. Бу муваффақият, албатта, юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва имкониятлар махсуслидир. Ҳар бир талабага яратилаётган шароит, қўллаб-қувватлаш ва рағбатнинг натижаси ўлароқ биз бутун жаҳонга Ўзбекистон номини фахр билан янграган олдик.

Мустақиллик байрамимиз оstonасида қўлга киритилган бу ғалаба халқимиз учун рамзий маънога эга бўлиб, ёш авлодининг юрт равнақиға қўшган муносиб ҳиссаси сифатида тарихда қолади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Мулоҳаза

Ҳар қандай миллатнинг қудрати, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи бир неча муҳим омилга боғлиқ. Булар: иқтисодий салоҳият, ҳарбий қудрат ва илмий-технологик тараққиёт. Аммо уларнинг барчасига пойдевор бўладиган, бир бутун куч сифатида бирлаштирадиган шундай асос борки, у тилдир. Зеро, тилнинг қуввати — миллатнинг қуввати. Ўз тушунчасини ўзгалар тилидан қарз олмай, ўз тилида ифодалаган, ўз воқелигини ўз сўзлари билан номлай билган жамиятгина чинакам руҳий мустақил бўлади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур”. Шу нуқтаи назардан, давлат тилининг нуфузини ошириш, софлигини асраш ва замонавий тараққиёт билан ҳамнафас равишда бойитиб бориш нафақат маънавий юксалиш, балки миллий қудратни оширишнинг энг муҳим шартидир.

Янги атамалар

УЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЕЗРОҚ ОММАЛАШТИРИШ МУМКИН?



Маъсума ОБИДЖОНОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Тарихга назар ташласак, ўзбек тили учун кураш ҳар доим миллий озолиқ ва тараққиёт учун кураш билан чамбарчас боғлиқ бўлганини кўрамыз. XX аср бошида жадид боболари-миз миллатни уйғотиш, маърифатли қилиш вазиасини айнан тилини ислоҳ қилиш, халққа яқинлаштириш, газета-журналлар ва янги дарсликлар орқали тилининг ижтимоий мавқени кўтаришдан бошлаган. Шўролар даврида эса тилимиз турли мафқуравий босимларга учради, қўлланиш доираси сунъий чекланди, қўллаб атамалар ҳеч қандай эҳтиёжсиз ўзга тилдан олиб қўшилди. Мустақилликка эришилгач, тилимизга давлат тили мақоми берилгани тарихий адолатнинг тикланиши бўлди. Бироқ бу мақомни амалда тўлиқ рўёбга чиқариш, тилимизни ҳақиқий маънода давлатчилик, фан ва технологиялар тилига айлантириш йўлида ҳали узоқ ва машаққатли йўл олдимизда турар эди.

Шу маънода, яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси қарори билан қирқта янги сўз ва атаманинг расман муомалага киритилгани ана шу йўлдаги тарихий воқеа бўлди. Бу ҳодиса сўнгги ўттиз йилда тилимиз ҳаётида кузатилган энг муҳим ва қувончли янгиликлардан бири сифатида тарихга кирди. Мазкур жараённинг аҳамияти шунчаки ҳорижий сўзларни ўзбекча муқобиллари билан алмаштиришдан иборат техник вазифа эмас. Бу тилимизнинг ички имкониятларини тўлақонли ишга солиб, яратувчилик қудратини намойён этишга қаратилган муҳим ҳаракат бўлди, десак янглишмаймиз. Комиссия тасдиқлаган атамалар бу борада нақадар пухта ва илмий ёндашилганини кўрсатади. Масалан, “внедорожник” ўрнига таклиф этилган “йўлтанламас” сўзи нафақат асл маънони тўлиқ ифодалайди, балки оҳангдорлиги, ихчамлиги ва халқчил руҳи билан ажралиб туради. Бу каби жонли сўзларнинг жорий этилиши, муомалага киритилиши ўз воқелигини ўз тили билан белгилаш, ўз тафаккури билан таърифлашга қодир миллатнинг қувватидан далолатдир.

Тасдиқлаган рўйхатни қуқурроқ тахлил қилсак, атамалар яратишнинг бир неча самарали усулидан оқилона фойдаланганини кузатиш мумкин. Биринчидан, тилимизнинг ўзига мавжуд сўз ясаш моделлари асосида янги сўзлар ясаш усули. “Лойтўсқич” (брызговик), “кўлпарма” (колловорот), “бурагич” (отвёртка), “бурамамик” (шуруп) каби сўзлар бунга ажқол мисол. Булар ўзбек тилининг табиатиға мос, содда ва тушунарли бўлиб, халқ тилиға тез сингиб кетиш имконияти юқори.

Иккинчидан, сўзларнинг маъносини кенгайтириш ва ўриндош таржима усули. “Маҳорат дarsi” (мастер-класс), “ахборот технологиялари” (IT технологиялари), “ишчи дастур” (силлабус) кабилар асл тушунчанинг мазмунини тўлиқ сақлаган ҳолда миллий тилимиз лексикасига мослаштирилган.

Учинчидан, тарихий сўзларни қайта тиклаш ва уларға янги маъно юклаш усули. Бу борада “пароль” ўрниға таклиф этилган “ўрон” сўзи алоҳида эътиборға лойиқ. Бу каби тарихий сўзларни топиш учун Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит-турк” тахриригта келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишигта “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

асаридан тортиб, Алишер Навоий меросигача бўлган улкан хазинани тизимли равишда ўрганиш келажакда бундан-да гўзал муқобилларни топиш имконини беради.

Тўртинчидан, прагматик ёндашув, яъни халқро миқёсда чуқур ўрнашиб, ўзгариш мураккаб бўлган “кластер” каби сўзларни ўз ҳолича ёки қисман мослаштириб (АТ парки) қабул қилиш. Бу тили кераксиз пуризмдан асрайди ва унинг глобал ахборот майдониға интеграциялашувига ҳалал бермайди. Бу тўрт ёндашув уйғунлиқда қўлланишчи гуруҳ томонидан жараёниға илмий ва пухта ёндашилганини кўрсатади.

Айтиш жоиз, айни ташаббус мустақилликнинг дастлабки йилларида кейин юзага келган лингвистик бўшлиқни муайян даражада тўлдирди. Таассуфки, ўтган даврда тилимизға кириб келган минглаб янги тушунчалар ҳеч қандай илмий назоратсиз ва тартибсиз равишда тилимизға ўрнашди. Айни ҳолат, ўз навбатида, миллий сўзлашувнинг муайян даражада қарамликка юз



тутишиға олиб келди. Бу эса жамият учун зарур бўлган мустақил фикрлаш қобилиятига соя солувчи ҳолат эди. Энди олдимизда турган энг муҳим вазифа ушбу эъгу ислохотнинг давомийлигини таъминлашдир. Қирқта атамалар мазкур улкан қаровнинг илк қадами-дир. Тил доимий ҳаракатдаги тирик вужуд, агар у янги сўзлар билан бойитилмаса, қуввати заифлашади.

Мазкур масалада жаҳон тажрибаси биз учун тайёр сабоқ мактаби вазифасини ўташи мумкин. Масалан, Францияда XVII асрда ташкил этилган ва ҳанузгача фаолият юритаётган Франция академияси нафақат тилининг грамматик қондаларини белгилайди, балки унинг лугат таркибини ҳам қаттиқ назорат қилади. “Компьютер” сўзи кириб келганда академия унинг ўрниға “ordinateur” (тартибга солувчи) сўзини таклиф қилди ва бу сўз бутун бутун француз дунёсиде кенг қўлланилди. Ҳатто ҳукумат қабул қилган “Тубон қонуни”га кўра, расмий ҳужжатлар, реклама ва оммавий ахборот воситаларида инглизча сўзлар ўрниға французча муқобилидан фойдаланиш мажбурий қилиб қўйилган. Исландияда эса тил софлиги шу қадар юқори даражаға кўтарилган, ҳар қандай ҳорижий сўз, хоҳ у “телефон” (“simi” — ип, сим) бўлсин, хоҳ “интернет” (“veraldarvefurinn”) — жаҳон ўрғимчак (тўри) муқобили яратилган. Бу каби мисоллар тил сиебати давлат сиебатининг ажралмас қисмиға айлангандагина миллат ўзлигини ва қудратини сақлаб қолиши мумкинлигини ажқол кўрсатади.

Бу ўринда эзиллар, олимлар, ёзувчи-шоирлар ва айниқса, журналистлар

зиммасига улкан масъулият юкланади. Оммавий ахборот воситалари мазкур жараёнда қудратли воситадир. Давлатта тегишли ва нодавлат телеканалларда эфирға узатиладиган кўрсатувлар, фильмлар ва сериаллар тилида “доставка” эмас, “етказиш”, “лидер” ўрниға “йўлбошчи”, “челленж” ўрниға “чорлов” сўзлари мунтазам қўлланишиға эришиш зарур.

Жараёнда нафақат эзиллар, балки давлат бошқаруви органлари ва тадбиркорларнинг ҳам ўрни беқиёс. Вазирликлар, идора-лар, маҳаллий ҳокимликлар ўзининг расмий веб-сайтлари, ҳужжатлари, иш юритишда янги атамаларини биринчилардан бўлиб ва намунали тарзда қўллашни таъминлаши айни муддао. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги пешлаҳалар, реклама баннерлари, жой номлари ҳам миллий тилимизнинг софлигини акс эттириб туриши лозим. Хусусий сектор вакиллари, йирик компаниялар ва тадбиркорлар ҳам ўз махсулотлари маркировкасида (“тамғалаш”), хизмат кўрсатиши

мобил иловалар яратиш керак. Ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўтказиладиган олимпиадалар ва танловларнинг шартига янги атамаларни билиш ва улардан ўринли фойдаланиш мезонини киритиш мақсадға мувофиқ.

Иккинчидан, технологиялар соҳасидаги ишларни жадаллаштириш. Миллий терминология порталини яратиш ғоясини амалға ошириш билан бирға, Google, Apple, Microsoft каби халқроқ корпорациялар билан ҳамкорликда уларнинг операцион тизимлари, клавиатура дастурлари ва овозли ёрдамчилариға ўзбек тилининг янги лугат базасини интеграция қилишға эришиш айни муддао бўларди.

Учинчидан, рағбатлантириш тизимини кенгайтириш. Нафақат ОАВ ёки ижодкорларни, балки ўз фаолиятида давлат тили қондаларига ва янги атамаларға риюа қилишда ўрнат бўлаётган давлат ташкилотлари, хусусий корхоналарни ҳам муайян усуллар билан эътироф этиш тизимини ўрнатиш мумкин.

Тўрттинчидан, бу жараёнда бутун жамиятни, ҳар бир фуқарони жалб этиш муҳим. Бешикдаги болаға айтиладиган аллалдан тортиб, оиладаги мулоқот маданиятигача тил софлигига эътибор қаратиш маънавий иммунитетни шакллантиришнинг биринчи қадами-дир. Ота-оналар фарзандлари билан суҳбатда “селфи” ўрниға “ўзсўрат”, “лайк” ўрниға “маъкул” ёки “ёқди” каби сўзларни ишлатишни одағта айлантирса, тилға чуқур ҳурмат қон-қонимизға табиий сингиб боради.

Бешинчидан, кино ва дубляж санъати имкониятидан унумли фойдаланиш лозим. Ҳорижий фильмлар, сериаллар ва мультфильмларни ўзбек тилиға ўтирувчи студиялар учун янги атамалардан фойдаланиш бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқиш ва буни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш зарур. Тўғри, булар унчаллик осон жараён эмас, аммо шу орқали соғлом рақобат муҳитини яратиб, жараёни янада тезлаштириш мумкин.


Она тилимизнинг янги атамалар билан бойитилиши миллий ўзлигимизни

“**Зиёилар, олимлар, ёзувчи-шоирлар ва айниқса, журналистлар зиммасига улкан масъулият юкланади. Оммавий ахборот воситалари мазкур жараёнда қудратли воситадир. Давлатта тегишли ва нодавлат телеканалларда эфирға узатиладиган кўрсатувлар, фильмлар ва сериаллар тилида “доставка” эмас, “етказиш”, “лидер” ўрниға “йўлбошчи”, “челленж” ўрниға “чорлов” сўзлари мунтазам қўлланишиға эришиш зарур.**

соҳасида (“етказиш”, “маҳорат дarsi”) янги атамаларни қўллашни ижтимоий масъулият деб билиши керак. Ахир ўзи мансуб жамият тилиға ҳурмат билан қараган тадбиркорнинг халқ орасидаги обрўси ҳам ошади. Бу, ўз навбатида, соғлом ватанпарварлик муҳитини яратишға ҳам хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш юзасидан бир неча аниқ таклифни ўртаға ташламоқчиман. Биринчидан, таълим соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш. Янги атамаларни нафақат имкон қадар тезроқ дарсликларға киритиш, балки улар иштирокида махсус кўргаэмали қуроллар, интерактив ўйинлар,

танишининг, Учинчи Ренессансға қараб ташлаётган дадил қадамларимизнинг узвий бўлаётгани. Бу жараён маънавий хавфсизликнинг муҳим унсуси, интеллектуал суверенитет асоси. Ўз технологиясига ўз тилида ном бера олган, ўз қонуларини тўлиқ ўз сўзларида ёза олган, авлодларға ўз тилида муносиб берадиган миллатгина жаҳонда муносиб ўрниға эга бўлади. Шундай экан, бутунги сайё-ҳаракатлар нафақат тилимизни, балки келажак авлодларимизнинг тафаккурини бегона унсурлардан асраш, пировардида миллатимизнинг умумий қудратини юксалтиришға қаратилган муҳим сармоё вазифасини ўтади, десак адашмаган бўламиз.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятға келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишигта “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусахҳх: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 23:55 Топширилди — 00:05